

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИ ВА
МАМЛАКАТШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ**

**УЗОҚ ШАРҚ МИНТАҚАСИ ИҚТИСОДИЁТИ ВА
МАМЛАКАТШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ**

Сайдалимова Нодира Сарваровна

**КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**5341000 – МИНТАҚАШУНОСЛИК
(иқтисод ва мамлакатшунослик)**

“Узоқ Шарқ ва Жанубий Шарқий Осиё мамлакатлари”

Илмий раҳбар: и.ф.н. Г.П.Фуломова

Тошкент - 2012

Мундарижа

Кириш.....	3
I БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖЛАНИШИДА ТУРИЗМНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.....	6
1.1. Замонавий иқтисодиётда туризм соҳасининг таснифи	6
1.2. Халқаро туризмнинг ривожланиш босқичлари	15
II БОБ. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	23
2.1. Глобаллашув шароитида Корея Республикаси туризм ривожланишининг омиллари	23
2.2. Корея Республикаси туризм бизнеси ривожланиши	30
2.3. Корея Республикасида туризм ривожланиш истикболлари	36
2.4. Ўзбекистонда туризм соҳаси ривожланиши хусусиятлари	42
Хулоса	50
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	56

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бозор ислохотларининг ҳозирги босқичи миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишининг янги манбалари ва имкониятларини излаб топишни тақозо этмоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, халқаро туризм иқтисодий ривожланишни таъминлаш, валюта тушумларининг ошиши, жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашув, янги иш ўринларини яратиш билан билан ижтимоий муаммоларини ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “чет эл туризми республика иқтисодиётининг етакчи тармоғига, унинг валюта тушумларини тўлдирадиган муҳим манбага айланиб бормоқда. Шу сабабли шинам меҳмонхоналар, кемпинглар қурилишини бундан буён ҳам амалга оширавериш, туризмнинг ривожланган инфратузилмасини шакллантириш, сайёҳлар борадиган жойларни обод қилиш билан шуғулланиш керак”.¹

Шу муносабат бу соҳада сезиларли муваффақият қозонган мамлакат – Корея Республикасининг тажрибасини ўрганиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Халқаро туризм ривожланиши ва унинг асосий тенденциялари, туризмнинг ўзига хос хусусиятлари, туризм соҳасини бошқариш ва халқаро туризмда маркетингни жорий этиш масалалари, туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг назарий ва амалий муаммолари хорижлик иқтисодчилар – Боуэн Д., Кастер В., Ким Ок Юнг, Оперман М. ва бошқаларнинг ишларида кенг ёритилган.

МДХ мамлакатларининг иқтисодчи-олимлари Александров А.Ю., Балабанов И.Т., Гуляев В.Г., Кабушкин Н.И.лар жаҳон туризм бозори ва унинг ўзига хос жиҳатларини ўз асарларида ёритганлар.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: “Ўзбекистон”, 1995. – 242- б.

Ўзбекистонлик олимлардан Агзамов С., Назарова Г.Г., Иватов И., Тўхлиев Н.Т., Таксанов А., Хусанов Ч.Қ. ўз асарларида туризм ривожланишининг Ўзбекистонга хос жиҳатларини ўрганганлар, мамлакатимиз иқтисодиётида туризмнинг мавқеини ошириш масалаларини, туристик бизнесни эркинлаштириш ва уни бошқариш масалаларини ўрганганлар.

Малакавий ишнинг манбалари сифатида бўлиб Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий бозор иқтисодиётиги ўтиш миллий модели бўйича Президент И.А.Каримовнинг асарлари, миллий иқтисодиётнинг туризм соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва амалий масалалари, Корея республикасида туризм ривожланиши масалалари бўйича миллий ва хорижлик олимларнинг ишлари, ушбу масалалар билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар ҳисоботлари ва статистик маълумотлари хизмат қилди.

Малакавий ишни ёзиш жараёнида иқтисодий таҳлил, илмий умумлаштириш, статистик гуруҳлаш усулларидадан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг мақсади Корея Республикасида туризм ривожланишининг замонавий хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Ушбу мақсадга боғлиқ ҳолда битирув малакавий ишида қуйидаги **вазифалар** ҳал этилган:

- замонавий иқтисодиётда туризм соҳасининг таснифини ўрганиш;
- халқаро туризмнинг ривожланиш босқичларини таҳлил этиш;
- глобаллашув шароитида Корея Республикаси туризм ривожланишининг омилларига баҳо бериш;
- Корея Республикасида туризм бизнеси ривожланиши хусусиятларини ўрганиш;
- Корея Республикасида туризм ривожланиш истиқболларига баҳо бериш;
- Ўзбекистонда туризм соҳаси ривожланиши хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Битирув-малакавий ишнинг **илмий янгилиги** тадқиқот давомида Корея Республикасида туризм соҳасининг ривожланиш йўналишлари таҳлил этилганлиги билан ифодаланади.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Ишда умумлаштирилган хорижий мамлакатлар иқтисодий ривожланишини тартибга солиш бўйича назарий қарашлардан олий таълим тизимида «Жаҳон иқтисодиёти», «Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти», «Корея иқтисодиёти» фанини ўқитишда фойдаланса бўлади.

Малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми. Мазкур иш кириш, уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖЛАНИШИДА ТУРИЗМНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

1.1. Замонавий иқтисодиётда туризм соҳасининг таснифи

Ҳозирги даврда юз бераётган глобаллашув жараёни жаҳон иқтисодиётида ва халқаро иқтисодий муносабатларда чуқур сифат ўзгаришлари юз беришига олиб келмоқда. Халқаро меҳнат тақсимооти асосида жаҳон хўжалиги мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик муносабатларининг чуқурлашуви, мамлакатлар ўртасида турли соҳаларда алоқаларнинг кенгайиши халқаро туризмнинг ҳам ривожланишига олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида миллий иқтисодиётларда туризмнинг аҳамияти ортишига, туризмнинг салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган сиёсатни амалга оширишга олиб келмоқда. Бундай вазият туризмнинг ўзининг моҳиятини англаш, унинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш заруриятини вужудга келтирмоқда.

Ҳозирги пайтда туризм тушунчасига берилган ягона таърифнинг йўқлиги уни фан сифатида ўрганишни қийинлаштириш билан бирга, унинг иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи сифатидаги фаолиятига ҳам баҳо беришда қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Туризмга берилган турли таърифларни ўрганиш асосида бу соҳада олиб борилган тадқиқотларни икки гуруҳга умумлаштириш мумкин. Биринчи гуруҳ ушбу атамани тор маънода тавсифлайди ва туризмнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа жиҳатларига ёки унинг турларнинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратади ². Бундай таърифлар аниқ вазифаларни ҳал этиш учун восита сифатида хизмат қилади. Иккинчи гуруҳ туризм атамасига концептуал жиҳатдан ёндашади ва туризмга хос бўлган барча хусусиятлар ва муносабатларни яхлитликда ифодалаб, ушбу атаманинг ички мазмунини ёритиб беради. Бу таърифлар туризмнинг бошқа унга ўхшаш ва ўзаро боғлиқ ҳодисалардан фарқли жиҳатларини кўрсатиб беради.

² Хусанов Ч.К. Миллий тараққиёт моделида туризм ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида). Иқт.ф.н. илмий дар. диссер. Тошкент, 2006 й. 12-б.

Ҳозирги замон хорижий илмий адабиётларида «Туризм» тушунчасини аниқлашга турлича ёндошувлар мавжуд. Бу ёндошувларни турлича белгиларга қараб бир неча гуруҳларга бирлаштириш мумкин:

- туризм одамларни йўналиш бўйича аниқ объектга ташриф буюриши ёки махсус қизиқишини қондириш ва доимий яшаш жойига қайтиб келиши ҳаракатларининг алоҳида шаклидир;

- туризм одамларнинг ҳаракатланиши (жойини ўзгартириши), уларни доимий яшаш жойида бўлмаслиги ва қизиққан объектида (сафарда) вақтинча бўлиши;

- туризм шахсни уни ижтимоий-гуманитар функцияси орқали (тарбиявий, таълимий, соғломлаштириш ва спорт) амалга ошириладиган ривожланишининг алоҳида шаклидир;

- туризм дам олишни, бўш вақтни ўтказишнинг оммавий шаклидир;

- туризм одамларга вақтинча доимий яшаш жойида бўлмаган пайтида хизмат кўрсатиш бўйича хўжалик соҳасидир;

- туризм бозор сегменти сифатида истеъмолчиларга ўз маҳсулотлари ва хизматларини (маркетинг назарияси нуқтаи назаридан) таклиф этиш мақсадида анъанавий хўжалик тармоқлари (транспорт, умумий овқатланиш, меҳмонхона хўжалиги, маданият, савдо ва бошқа.) билан бозорга чиқади;

- туризм ҳодиса сифатида мутлақо дам олиш деб онгимизга сингиб кетган анъанавий тасаввурларга сиғмайди. 1991 й. Оттава, (Канада)да бўлиб ўтган БТТ - Бутунжаҳон туристик ташкилоти саёҳат ва туризм статистикаси бўйича конференциясида концепция сифатида талаблар йўналиши танланди ва туризм шундай таъриф олди: «Туризм - одатдаги муҳитдан ташқарида дам олиш, ишга алоқадор ва бошқа мақсадларда бир йилдан кўп бўлмаган даврда бўлган саёҳат ва жойларда бўлишни амалга оширган шахс фаолияти»;

- Туризм — жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий — амалий ёки бошқа мақсадларда

борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши) дир.³

Тизимли ёндошувдан фойдаланиб, «туризм» тушунчасини таҳлил қилар эканмиз, туризмни уч асосий элементлардан иборат тизим деб аташимиз мумкин:

1. Географик компонент;
2. Туристлар;
3. Туристик индустрия.

Географик компонент ўз ўрнида қўйидаги элементларни қамраб олади:

- туристларни «вужудга келтирувчи» минтақа;
- транзит минтақа;
- туристик манзил (дестинация)лар минтақаси.

Туристларни «вужудга келтирувчи» минтақа ўзида туристлар ўз саёҳатини бошлаган уни ташкил қилган жой сифатида намоён бўлади. Табиийки, туризм индустриясида асосий маркетинг операциялари худди шу ерда амалга оширилади. Туристларни «вужудга келтирувчи» минтақада доимий равишда потенциал истеъмолчиларни саёҳатга чорловчи, рағбатлантирувчи жараёнлари кечади. Одамлар турли мамлакатлар ҳақида китоблар ўқийдилар, журналларни тамоша қиладилар, реклама ахборотларини ўрганадилар, телевизор кўрадилар, таниш-билишлари, қариндош-уруғлари билан мулоқатда бўладилар ва ниҳоят маълум қарорга келадилар ва саёҳатга йўл олдилар.

Транзит сўзининг маъноси бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга учинчи мамлакат тупроғи орқали йўловчилар ва юкларни олиб ўтиш тушунилади. Транзит минтақаси (транзит йўналиш) туристларни «вужудга келтирувчи» ва туристик дестинация (манзил)лар ўртасида боғловчи бўғин ҳисобланади. Бу тушунча мазкур схеманинг энг муҳим элементлари саналади. Чунки транзит минтақа орқали турли туристик оқимлар ўтиши

³ Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисидаги қонуни». 3 модда. 1999 йил 20 август.

мумкин. Аммо саёҳатнинг мақсади – бу туристик дестинация минтақасидир. Дестинация тушунчаси, унинг моҳияти ва хусусиятларига тўхталамиз. «Дестинация» лотинча сўздан келиб чиққан бўлиб, турар жой (ўрин, манзил, макон) маъносини англатади. Бу атама XX асрнинг 90-йилларида туризм соҳасида кенг қўлланила бошлади. Хорижий адабиётларда «дестинация» тушунчасини аниқлаштириш учун икки хил ёндошув мавжуд. Биринчи ёндошувда дестинация маълум географик чегарага эга территория сифатида талқин этилади. Бошқа нуқтаи назардан «дестинация» - бу туристлар учун жалб этувчи географик территория бўлиб ҳисобланади. Яъни жалб этувчи категория биринчи ўринга чиқади. У турли туристик гуруҳлар учун бир хил бўлмаслиги мумкин. Шундай қилиб, дестинация (бориладиган манзил) саёҳатчиларни вақтинча бўлишга жалб қилади. Чунки у улар яшайдиган мамлакатда бўлмаган характерли хусусиятларга эгадир. Бу жойлар туризм индустрияси туристларни жойлаштириш, овқатланишини ташкил қилиш, сайр – тамошо ва дам олиш, саёҳлик эҳтиёж товарлари ва сувенирларнинг чакана савдосини ташкил қилишга мўлжалланган.

Шунга қарамасдан, ҳар қандай жойни дестинацияга киритиб бўлмайди. Жой (худуд) дестинация деб аталиши учун қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак. Биринчидан, туристларни қабул қилиш учун зарур маълум хизматлар тўплами мавжудлиги. Бундай тўпламга биринчи навбатда қуйидагилар киради:

- дестинация (манзил)га олиб бориш ва қайтиб келиш ҳозирги пайтда туристларни ташишда қулай ва сифатли транспорт хизматиға талаб ошмоқда;
- етарли даражада хизмат кўрсатиладиган тунаш (отеллар, кемпинглар, дала ҳовлилар ва бошқалар мавжудлиги) ва овқатланиш (ресторанлар, кафе, барлар ва бошқ.) жойлари.

Иккинчидан, туристларни қизиқтирувчи диққатга сазовар жойларнинг мавжудлиги, худди ана шу борада дестинациялар ўртасида рақобат вужудга келади. Қанча кўп янги нарсаларни тамошо қилиш, сайр қилиш, хордиқ

чиқариш имконияти бўлса, шунчалик туристларнинг қизиқиши ва келиши ортиб боради.

Учинчидан туристик бозорда маҳсулот ҳаракатланишида зарур восита ҳисобланган ахборот тизимининг мавжудлигидир. Бу энг аввало резервлаштириш ва бронлаштириш ахборот тизимига кириш имкониятидир.

Шундай қилиб, дестинация – бу маълум хизматлар таклиф қиладиган, туристнинг эҳтиёжини қондирадиган, мақсадлари талабига жавоб берадиган ҳудуд ёки манзилдир.

Туризмга таъриф беришда энг аввало қуйидаги асосий қоидаларни шакллантириш лозим: □

- турист – бу саёҳатда ўз табиий эҳтиёжини қондиришга интилувчи киши. Туристнинг эҳтиёжи ва истаги борган манзилида аниқланади. У ташриф буюриш ва фаолият кўрсатишда иштирок этишга шайланаётгани ҳақида қарорга келади;
- туристик бизнес – бу туристлар эҳтиёжини қондириш, фаолиятдан маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқариш бўйича даромад олишдан кўзланган бизнесдир;
- меҳмондўстлик соҳаси учун туризм асосан ижобий омил сифатида чиқади. Шунингдек у янги ишчи ўринлари очиш ва минтақалар даромадларини кўпайтириш омили ҳамдир. Туризм атроф муҳитга салбий таъсир этиши ҳам мумкин;
- туризм миллий маъмурий ташкилотлар томонидан иқтисодиётни ривожлантириш омили сифатида қаралади. Кўп ҳолларда эҳтимол тутилган салбий оқибатлар (бевосита ва билвосита зарарлар) унда ҳисобга олинмайди.

Юқорида айтилганларга мувофиқ, туристик фаолият – туристлар, туристик корхоналар, меҳмонновозлик соҳаси, ташриф буюрувчиларни жойлаштириш ва хизмат кўрсатишга маъмуриятни жалб қилиш жараёнлари натижасида қатор ҳодисалар ва ўзаро муносабатларни намоён этиш билан белгиланади.

Туризм – таркиби турли хил ўхшашликлардан иборат бўлган маҳсулот, сервис, хизмат кўрсатув объектлари, ишлаб чиқариш бирлигига эга бўлган барчаси индивидуал истеъмолчига ёки гуруҳ истеъмолчиларга вақтинчалик, доимий яшаш жойини тарк этган ва маълум туристик манзилда саёҳат қилувчилар тушунилади.

Туризмнинг таснифини беришда жуда кўп хусусиятларни эътиборга олиш керак бўлади. Сафар ташкилотчиси фаолияти характери, қабул қилувчи минтақа хусусияти, маркетинг ва туристик бизнесни бошқариш бўйича фаолият туризмни таснифлашга асос бўлади. Халқаро туризмни таснифлашда фойдаланилувчи хусусиятлар ва белгилар каторига таклиф типи, сафарни уюштириш усули, саёҳат мақсади, ҳаракатланиш усули ҳисобланади.

Таклифлар тури бўйича таснифлаш. Гуруҳ (Group) ва якка ҳолда (FIT)ги туризм. Туристтик бизнесда профессионаллар бир-бирларини ярим сўзда тушунадиган бир қатор атамалар мавжуд. «FIT» ва “Group” атамалари кўпроқ ишлатиладиган атамалар ҳисобланади. FIT аббревиатураси Foreign Independent Traveler маъносини англатади. Том маънода – хорижий мустақил саёҳатчи якка турист деб аталади. У саёҳат маршрути ва графигини ўз хоҳишига қараб, ўзи белгилайди. Якка турист турагентлик хизматида фойдаланиши мумкин. Лекин, саёҳатни мустақил ташкил этиши ҳам мумкин. Отеллар, ресторанлар, транспорт ва бошқа корхоналар ўз хизматларини якка туристлар учун алоҳидаги тарифлар бўйича таклиф қиладилар. Якка ҳолдаги саёҳат одатда гуруҳ саёҳатига қараганда қимматга тушади.

Комплекс хизмат кўрсатиш (Package tour) гуруҳ туризми учун таклиф қилинган хизматларнинг асосий типи ҳисобланади. Турист турпакетни сотиб олади. Унда тур қийматига қўшилган хизматлар тўплами қайд этилган бўлади. Одатда, турпакет қиймати тур пакетга кирган айрим хизматлар қиймати суммасидан пастроқ бўлади. Гуруҳ турпакети гуруҳ ваучери билан расмийлаштирилади. Гуруҳ туристлари унинг эвазига комплекс хизмат кўрсатишларни олади. Бунга авиаташиш, меҳмонхонага жойлашиш, ресторанда овқатланиш, экскурсия хизматлари ва бошқа хизматлар

қўшилади. Турпакетга бутун маршрут бўйлаб гид-таржимон хизматлари ҳам киритилиши мумкин. Ҳаммаси қўшилган (All - inclusive) – жойлашиш хизматининг алоҳида тури бўлиб, айрим қиммат отеллар томонидан бутун ресторан – меҳмонхона хизматлари тўплами битта нархга қўшилгандир. Айниқса муҳим муътабар шахс (VIP) лар учун туристик комплекс хизмат таклиф қилиш алоҳида катта эътиборни талаб қилади. Бу юқори сервис даражаси (ва баланд нархни) ни тақозо этади.

Сафарни ташкил этиш бўйича таснифлаш. Ташкиллаштирилган туризм – туристик фирма томонидан якка ёки гуруҳ ҳолдаги туристларга ташкил қилинган саёҳат. Ташкиллаштирилган туристлар туроператор ёки унинг агентидан турли хизматлар тўплами билан турпакетларни сотиб олиш ҳуқуқини олади. Туризмда ташкил этишнинг қарама-қарши усуллари бўйича уюштирилмаган ёки хусусий туризмни кўрсатиш мумкин. Хусусий саёҳат турагентликка мурожаат қилмасдан, бевосита етказиб берувчидан хизматларни сотиб олиш йўли билан мустақил равишда ташкил қилинади.

Саёҳат мақсади бўйича таснифлаш. БТТ бош мақсадга боғлиқ ҳолда сафарни қуйидаги гуруҳларга бўлади:

- дам олиш ва рекреация;
- ижтимоий мақсадлар;
- ишга алоқадор ва касбий (профессионал) мақсадлар;
- танишлар, қариндошларникига ташриф буюриш;
- диний (зиёрат);
- бошқа мақсадлар.

Дам олиш ва рекреация мақсадидаги туризм. Бу туризмнинг асосий мақсади дам олиш, даволаниш ва бошқа соғломлаштириш мақсадларидан иборат. У бўш вақтни тўлдириш учун сайр-тамоша ва турли хил спорт машғулотларини таклиф этади. Баъзи асосларга кўра унга туризмнинг экскурсия, ихтисослашган, таълимий, спорт, саргузашт, экзотик, экологик турлари ҳам қўшилади. Экскурсия туризми билим ортириш туризмнинг кўпроқ оммалашган турларидан бири ҳисобланади. У туристик диққатга

сазовор жойлар Билан танишиш мақсадида амалга оширилади (тарихий ёдгорликлар, архитектура обидалари ва санъат бошқ.).

Махсус туризм. Оддий дам олиш саёҳатидан фарқли равишда мазкур туризм маълум мақсадга эга. Халқаро спорт мусобақаларида иштирок этиш, хоҳ ҳайвонларни кузатиш, хоҳ от спорти йўналиши, тарихий ва шахс билан боғлиқ жойда бўлиши учун келган бўлсин туристларнинг мақсади шулар билан боғлиқдир. Махсус ихтисослашган туризмда ғайриоддий жойлашиш масканида тўхташни истовчи бирлашган туристлар гуруҳлари ажратилади. Бу жой саломатлик фермаси ёки дехкон уйи бўлиши мумкин. Бу сегмент бўйича ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бундай туристлар юқори даражада маълумотли, шахсий даромади баланд кишилардир.

Таълим туризми. Ўқиш, малака ошириш мақсадидаги саёҳат халқаро туризмда нисбатан янгидир. Кўпроқ тил ўрганиш учун сафарлар оммавийлашмоқда.

Спорт туризми. Спорт сафарларининг бош мақсади – танланган спорт тури билан шуғулланиш. Бундай сафарлар фаол ва пассив ҳолатга бўлинади. Фаолда қайсидир спорт тури билан шуғулланиш асосий ўрин тутди. Пассивда эса спортга қизиқиш масалан мусобақаларга ташриф буюриш-тамошо асосий мақсаддир.

Саргузашт туризми. Бу туризм дам олишнинг ўзига хос тури ҳисобланади. У туристларни нафақат уларни маҳлиё қилган жойларда бўлишини таъминлайди, балки ғайриоддий фаолият билан ҳам шуғулланишига имкон беради.

Экзотик туризм. Бу туризм тури экзотик мамлакатларга, Тинч ва Атлантика океанлари оролларида, саёҳат билан ёки ғайриоддий транспорт воситасида саёҳат қилиш билан боғлиқ.

Экологик туризм (экотуризм) кейинги йилларда ўзига диққат – эътиборни жалб этаяпти. Европа ва Америка аҳолиси учун қўриқланаётган табиий ҳудуд бўйлаб саёҳат қилиш дам олишнинг энг кенг тарқалган турларидан бири бўлиб қолмоқда. Туризмнинг мазкур тури бош фарқи

кирралари шундаки, саёҳат нигоҳида бўлган табиий атроф-муҳитга туристлар зарар етказмасликка ҳаракат қиладилар. Табиатни муҳофаза қилишга ва маҳаллий аҳоли фаровонлигини яхшилашга кўмаклашадилар.

Ижтимоий туризм – ижтимоий эҳтиёжлар учун давлат томонидан ажратиладиган маблағ ҳисобига амалга ошириладиган саёҳатдир. Ижтимоий туризмдан мақсад даромад олиш эмас, балки кам даромадли кишиларни кўллаб– қувватлаш, уларни дам олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлашдир.

Ишга алоқадор ва касбий (профессионал) мақсадлардаги туризм. Айрим туристик бизнес ривожланган мамлакатлар туристик индустриясида туристларнинг икки бош категориясидан бири – ишбилармон саёҳатчиларни жалб қилинишини кузатиш мумкин. Туризм бу турининг хусусиятлари шундан иборатки, ишга алоқадор мақсадларда келувчи туристлар мажлислар ёки иш юзасидан учрашувларда ўтказадилар, қатъий дастурга ва тадбирлар графигига амал қилади. Улар кўпинча ўзларининг манфаатлари билан боғлиқ ўша бита шаҳарга келишади. Қиммат нархдаги меҳмонхоналарда тўхтайдилар, буюртма транспортдан, ишбилармонлар билан учрашув учун махсус жиҳозланган бинолардан фойдаланадилар, ҳамда тантанали қабуллар, шунингдек якка экскурсияларда иштирок этадилар. Ишбилармонлик туризмига шунингдек рағбатлантирувчи (инсентив- туризм) ҳам киритилади. Рағбатлантирувчи туризм буюртмачиси сифатида йирик корпорациялар чиқишади, улар алоҳида ўртак кўрсатган ходимлари гуруҳ сафарлари учун тўловларни зиммасига оладилар. Ишбилармон туризмида икки йирик сегмент ажратилади: якка ёки гуруҳ, улар ишга доир мақсадларда саёҳатга чиқишади ва турли компаниялар ходимлари тез-тез компания иши бўйича сафарга борадилар. Бу кейингиси ўзида **корпоратив туризм** деб аталадиган сафарларни намоён этади.

Танишлар ва қариндош – уруғларникига ташриф. Туристтик статистиканинг кўрсатишича, саёҳатнинг бу тури ўзида халқаро туризмнинг катта сегментини мужассам этган. Қариндошлар билан учрашиш мақсадида

жуда тез-тез сафарлар қайта такрорланади, бўлиш давомийлиги эса ишга доир ва рекреацион сафарлардан ортиқдир.

Туристик бозорнинг мазкур сегменти яна этник ёки қўмсаш – соғиниш туризми деб ҳам аталади. Бу одамларни дўстлари, қариндошлари билан учрашиш эҳтиёжига боғлиқ бўлиб, халқаро туристик алмашилишда муҳим ўрин эгаллайди. Одатда бозорнинг бу сегментида ишлашга бир неча турфирмалар ихтисослашади.

Диний (зиёрат) туризми ҳозирги пайтда оммавий тус олаяпти. Унинг бир неча турлари ажратилади:

- зиёрат (муқаддас жойларга ташриф ва ибодат қилиш);
- билимни орттириш сафари (диний, тарихий ёдгорликлар ва бошқалар билан танишиш);
- илмий сафар дин билан шуғулланувчи (тарихчи ва бошқа мутахассисларни сафари).

Ҳаракатланиш усуллари бўйича таснифлаш. Ҳаракатланиш усули ва танланган транспорттурига боғлиқ ҳолда туризмни авиацион, темирйўл, автотуризм, автобусли, сув, пиёда, велосипедли турларга ажратиш мумкин.

1.2. Халқаро туризмнинг ривожланиш босқичлари

Туризм ёки сайёҳликнинг илк бор бошланиш даври қадим-қадимларга бориб тақалади. Кишиларнинг бир жойдан иккинчи жойга ўтиши ёки бориши кўп ҳолларда савдо-сотиқ юмушлари, атроф-оламни кўра-билиш истаги, ҳамма иштирок эта оладиган ўқиш, диний ва дам олиш омиллари билан боғланган. Қадимги манбаларда ёзилишича бундан икки минг йиллар олдин мисрликлар ҳаётида сайёҳлик кўнгил очиш ва дам олишнинг одатдаги ҳодисаси бўлган.

Маълумотларга кўра, дунёда қадимги сайёҳлик марказларидан бири - Тинч океан минатқасида жойлашган Океания ҳудудидир. Бу ерда яшовчи аҳоли унча катта бўлмаган оддийгина қайиқларда Жануби-Шарқий Осиёнинг Микронезия ва Марказий (Тинч океани) ороллари, Туамоту архипелагига

саёҳат қилишганлар. Эрамиз 500 йил аввал полинезияликлар Гавай ороллари (Тинч океани)га 2 минг мил масофагача океанда сузиб боришганлар. Улар сафар давомида қуёш, юлдузлар, булутлар ва қушларнинг ҳаракатидан фойдаланиб манзилга етиб олишганлар. Саёҳат давомида улар учун энг муҳим муаммо бу ичимлик суви ва озиқ-овқатлар ҳисобланган.

Қадимги сайёҳликнинг энг ривожланган марказларидан яна бири Ўрта ер денгизи қирғоқларида жойлашган Греция, Италия, Франция, Испания, Миср, Тунис каби мамлакатлар бўлиб ҳисобланганди. Денгиз бўйларида яшовчи аҳоли савдо-сотиқ, диний сафарлар, илм олиш, даволаниш, янги ҳудудларни кашф қилиш мақсадида узоқ сафарларга денгиз орқали сузишган. Бу тўғрисида жуда кўпгина маълумотлар мавжуд бўлиб уларнинг бир қисми ҳозирги кунгача бизга етиб келган. Жумладан Грецияда V асрда (эрамизга қадар) Геродот ва IV асрда (эрамизгача) Пифей каби олимларни бошқа мамлакатларни ўрганиш учун саёҳатга юборганлар.

Қадимги Грецияда спорт ўйинларининг ташкил этилиши, унда спортчилар ва спорт ишқибозларининг турли мамлакатлардан келиб-кеетиши сайёҳликнинг ривожланишига катта тўртки бўлган.

Қадимги Хитой элчиси Чжан Цан II асрда (эрамизгача) саёҳатга чиқиб жуда катта амалий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни тўплаб қолдирган. Унинг босиб ўтган сафар йўллари кейинчалик Буюк Ипак йўлига асос бўлган.

Марко Поло (1254-1323) европаликлардан биринчилардан бўлиб Осиёни ўрганган Венециалик (Италия) сайёҳдир. 1307 йилда унинг сафар таъсуротлари босиб чиқарилган. Таниқли араб саёҳатчиси, олим ва ёзувчи Ибн Батута (Абу-Абдулла – Муҳаммад, ибн – Абдулла – эль – Давати ат-Танжи) асли Танжералик (Марокаш). Биринчи бор у Саҳрои Кабрни даштини 21 кунда савдо қарвонлари билан кезиб ўтади. 1324 йилда у ўзи туғилиб ўсган шаҳридан катта саёҳатга чиқиб Африканинг шимолий қисмидаги мамлакатларга, ундан сўнг Сурия, Эрон, Арабистон, Анатолия (Туркия), Қрим, Олтин Ўрда, Хива, Бухоро, Ҳиндистон, Цейлон, Филиппин ва

Хитойгача боради ва яна орқага қайтиб йўлда Испания ва Африканинг ички қисми Тимбуктугача етиб келади. Ибн Батута 29 йил давомида саёҳатда бўлиб, кўпгина мамлакатлар тўғрисида сафар қўлёзмаларини ёзиб қолдирган.

Қадимги Рим империяси туризм тараққиётига жуда катта ҳисса қўшган мамлакат бўлиб ҳисобланади. Бу ерда мустаҳкам империянинг ташкил этилиши, бойлиги, мўл-кўлчилик, ҳудудининг катталиги, денгиз соҳилида жойлашганлиги каби омиллар туризмнинг ривожланиши учун зарурат ҳисобланган. Рим империяси гуллаб яшнаган даврда римлик бой-бадавлат кишилар томонидан Грецияга саёҳатлар уюштирилиши ўзларининг дунёқарашларини кенгайтириш, билимларини ошириш заруратидан келиб чиққан. Кейинчалик фуқароларнинг Грецияга ташрифи кўнгил очар, сайр тамошо қилиш характериға эға бўлган. Мамлакат сайёҳларни ўз фестиваллари, спорт мусобақалари ва бошқа хил ўйин-кулги, кўнгил очар тамошолари билан ўзига жалб қила бошлаган. Бой-бадавлат сайёҳлар кўплаб миқдорда ов қилиш, дам олиш, ҳордиқ чиқаришни кўнгилдагидай ташкил этишни талаб қила бошлаганлар.

Қадимги даврда туризмнинг ривожланиши жуда мураккаб кечган. Сафар муддати ҳам ўзига хос хусусиятға эға бўлган. Кишиларнинг саёҳатда юриш тезлиги ўртача соатига 6 км. дан ошмаган. Бир кунлик босиб ўтган сафарининг умумий масофаси эса 50-60 км атрофида бўлган. Саёҳатға чиқиш имтиёзи ва зарурати фақат савдогарлар, бой-бадавлат косиб ёки майда савдогарлар, дворянлар ва аслзодаларға таълуқли бўлган.

Саёҳатчилар сафар давомида асосан от уловлардан (от, туя, эшак ва бошқалар), қайиқлар ва кемалардан фойдаланишганлар. Улар саёҳат давомида якка ҳолда ёки савдо карвонларига қўшилиб ўз манзилларига етиб боришганлар.

XV аср охири – XVII аср ўрталарига келиб Буюк географик кашфиётларнинг имкониятлари кенг яратилди. XVI асрда жуда Шимолий Америка испанлар томонидан ўрганилди.

Туризмнинг ривожига уйғониш даври (XV-XVI асрларда Европада фан ва санъатнинг тараққий этган даври) ҳам катта таъсир кўрсатади. Унда иқтисодиётнинг жўшқинлик билан ривожланиши, янги тармоқларнинг пайдо бўлиши, давлатлараро савдо-сотиқнинг кенгайишига янада имкониятлар туғдиради. XVI асрга келиб Европа бўйлаб саёҳат қилиш одат тусига кирабошлайди. Бундай саёҳатларни уюштириш «Ёш аристократларни тарбиялаш дастури» га киритилиб, унда ўқиш, билим олиш мақсадлари кўзда тутилган. Бундай саёҳатларнинг йўналиши Англияда Лондон шаҳридан бошланиб, Франциянинг Париж шаҳрида, сўнгра Италияга: Генуя, Милан, Флоренция, Римгача давом этган. Орқага қайтиш йўли Швейцария, Германия, Голландия мамлакатлари орқали ўтилган.

Техника тараққиёти оммавий туризмнинг ривожланишига катта туртки бўлди. 1830 йилда жаҳонда биринчи темир йул Манчестер ва Ливерпуль ўртасида ишга тушиб, у амалда саёҳат уюштиришнинг вақт чегараларини ўзгартириб юборди. Илгари ҳафталаб давом этган саёҳатларни эндиликда арзимаган ҳақ тўлаб амалга ошириш ҳар бир кишининг қўлидан келадиган бўлиб қолди.

Бугунги кунда замонавий туризм асосчиси деб тан олинган баптист пастори Томас Кук биринчилардан бўлиб саёҳатчиларнинг оммавий сафар уюштиришининг моҳияти ва фойдалилигини англаб етди ҳамда 1843 йилда у дастлабки темир йул орқали турни ташкиллаштирди ва муваффақиятга эришди. 1851 йилда у мамлакатнинг барча бурчагидан келган инглизларнинг Париждаги кўргазмада иштирок этишини ташкиллаштирди. У кўргазмага 165 минг кишини олиб келишга мушарраф бўлди. Кўргазма турлари катта фойда келтирганлиги сабабли, Томас Кук Англиялик туристларнинг 1865 йилда Парижга Бутунжаҳон кўргазмасига оммавий равишда ташриф буюриши ташкилотчиси бўлди. 1856 йилдан бошлаб Европа бўйлаб турлар одатий ҳолга айланди, Кукнинг туристлик агентлиги ва унинг филиаллари тузилди. Туристлик компаниянинг мисли кўрилмаган муваффақиятга эришганлигини Кук туристларга таклиф этган каталогда 8 мингдан ортиқ

меҳмонхоналарнинг ўрин олганлиги ҳам тасдиқлайди. 1870 йилда “Томас Кук” туристлик фирмаси мижозлари сони 500 минг кишига етди.

Европа ва Америка қитъалари ўртасида мунтазам кема қатнови 1832 йилда йўлга қўйилган бўлиб, 1866 йилда Кук АҚШ га туристларнинг дастлабки икки гуруҳини жўнатади. Турлар узоқ муддатли бўлиб, беш ойгача давом этган.

Дастлабки 20 нафар саёҳатчи бутун жаҳон буйлаб 220 кун давомида саёҳат қилганлар. Томас Кук 1892 йилда вафот этиб, унинг ишини ўғиллари ва шериклари давом эттиришган. Компания ўз фаолият соҳасини кенгайтириб, йирик молиявий институтга айланган ва саёҳатчилар учун йул чеклари чиқара бошлаган. Бу эса ўз моҳиятига кўра аср ихтироси - хавфсиз пуллар эди. Бугунги кунда “Томас Кук” компанияси бутун дунёда 12000 дан ортиқ туристлик агентликларга эга бўлиб, йилига 20 миллиондан ортиқ туристга хизмат кўрсатади.

Замонавий самолётлар тезлиги туфайли, ернинг бир нуқтасидан бошқа нуқтасига Ер айланиши тезлигидан тезроқ етиб бориш имконини бериб, саёҳатчилар бошқа соат минтақаларига ташриф буюра оладилар.

Иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин Европанинг айрим мамлакатларида, АҚШ ва Канадада халқаро туризм ривожлана бошлайди. 1951 йилга келиб бутун дунё бўйича қайд этилган туристларнинг умумий сони урушгача бўлган даражага етади ва 25 млн. дан ортиқ кишини ташкил қилади. Урушдан кейинги йилларда туризм соҳаси оммавий жамиятнинг барча табақадаги аъзолари учун хизмат шакли бўлиб ҳисобланади. Кучли дам олиш инфраструктураси шаклланади. Бу давр туристик фирмаларнинг фаоллашуви, оммавий қурилиш меҳмонхоналари, мотеллар, дам олиш уйлари ва кўнгил очар жойлари билан ифодаланади. Халқаро миқёсда айрибошлаш кенг кўламда ривожлана бошлади. Туризм яқка тартибдан, уюшган оммавий ҳолатга айлана бошлади. 1947 й. Парижда халқаро туристик ташкилотларнинг расмий Иттифоқи (МСОТО) тасдиқланди. Унинг

ҳақиқий аъзолари бўлиб давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳисобланади. Иттифоқ таркибига 116 давлат кирган.

XX аср ўрталари халқаро туризмнинг энг юқори даражада юксалиши билан характерланади. 1960 йилда четга чиқувчи туристлар сони 71 млн. кишига етди. 1971 йилга келиб, у 168 млн. кишини ташкил қилди. Халқаро туризм жадаллик билан ривожланишига биринчи ўринда дунёда сиёсий вазиятнинг ўзгариши «совуқ уруш» сиёсатининг сусайиши ва ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг ўсиши билан белгиланади. Туристларнинг ижтимоий келиб чиқиш таркиби анчагина ўзгарди. Ғарб мамлакатларидаги меҳнаткаш омманинг иқтисодий, турмуш тарзининг ижобий ҳолга ўзгариши, иш ҳақининг ўсиши, таътил кунларининг кўпайиши кабилар катта таъсир кўрсатди. Халқаро туризм ривожланишига фан-техника тараққиётнинг ўсиши, айниқса ҳаво транспортида реактив пассажир самолётларнинг яратилиши ката имкониятларни туғдирди.

Халқаро туризм ролининг кўтарилишида БМТ тезкорлик билан ривожланиб бораётгани халқаро ҳамкорликнинг ушбу соҳасига жуда ката эътибор берди. 1963 й. Римда (Италия) БМТ туризм ва саёҳатлар бўйича I конференция ўтказилди. Конференцияда «Вақтинчалик келувчи», «Турист», «Экскурсант» каби туризмда махсус тушунчаларга аниқлик киритиш конференцияда статистик ҳисоботларни бир хил қилиш ва уларни таҳлил қилиш, туризм ривожланиши истиқболини белгилаш, чегараларда туристларни чиқариш ва киритишнинг расмий тартиб қоидаларини соддалаштириш масалалари кўриб чиқилди. Халқаро туризм масаласи БМТ – савдо ва тараққиёт конференциясининг фаолияти БМТ минтақавий иқтисодий комиссияси доирасида, асосан Европа иқтисодий комиссиясига киритилган. 1969 йил БМТ бош Ассамблеяси резолюциясига мувофиқ нодавлат халқаро туристик ташкилотларнинг махсус иттифоқи (МСОТО) қайтадан ташкил этилиб, БТТга айлантирилди. БТТ 1975 йил 2 январда ўз уставини қабул қилди. Унинг таркибига 51 давлат аъзо бўлиб киритилган. БТТ ташкилотининг асосий мақсади - туризм соҳасида давлатларнинг бир-

бирлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйилганини таъмин этиш, туризм соҳасида ривожланишни рағбатлантириш, тинчлик, тараққиёт ва инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жадал иқтисодиёт юксалишига ўз ҳиссасини қўшишдан иборатдир.

1980 йиллардан бошлаб халқаро туризм халқаро иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим доимий, барқарор ривожланиб бораётган соҳасига айлана бошлади. Туристик хизматлар кўрсатиш таркиби ўзгарди. Жаҳон туризми бозори борган сари хилма-хиллаша борди. Аҳолининг ижтимоий соҳасида туристик маҳсулотларга бўлган талаби ва эҳтиёжи орта борди. Туризмнинг оммавий уюшган ҳолдаги шакли ўсиб борди. Туристларга хизмат кўрсатиш сифати (транспорт, жойлаштириш, овқатлантириш, дам олиш, ҳордиқ чиқариш) борган сари ривожлана борди. Хилма-хил туристик маҳсулотларни таклиф этувчи махсус туристик фирмалар сони кўпая борди. XX асрнинг сўнгги ўн йилида халқаро туризм энг юқори технологиялар асосида ривожланиб бораётган жаҳон туризм индустриясига айланди. Йирик халқаро Трансмиллий компаниялар (ТМК), меҳмонхоналар тизими, замонавий овқатланиш корхоналари, кўнгил очар объектлар - булар барчаси халқаро туризмни ривожлантиришга жуда қулай шарт-шароитларни туғдирди.

БТТ маълумотида кўра, ҳозирги кунда халқаро туризм яна ўз мавқиеини сақлаб қолишга қодир бўлди. Унинг эвазига жаҳон ялпи маҳсулотининг 6 %, халқаро инвестицияларнинг 7 %, дунё истеъмол харажатларининг 11 % ва солиқлар тушумининг 5 % тўғри келади. Ҳозирги кунда Ғарбий Европа ва Шимолий Америкада ишлаётган ишчиларнинг 13 тадан бири туризм индустриясида, Жанубий-шарқий Осиё мамлакатларида эса ҳар бир 15 ишчидан бири туризм бизнеси билан банддир. Терроризм, табиий офатлар, инсон саломатлиги учун кўрқув, хавф- хатарлар, жаҳон бозорида нефт нархининг кескин кўтарилиши, валюта курсининг ўзгариши, иқтисодий инқирозларга дуч келиши ва сиёсий барқарорсизлик, экологик вазиятларнинг кескинлашуви ва бир қатор глобал (оламшумул) муаммоларнинг кучайиши

халқаро туризм индустриясига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Шунга қарамасдан халқаро туризм соҳаси жаҳон иқтисодиётида борган сари ўз мавқиени сақлаб қолмоқда. Дунё мамлакатлари ўртасида халқаро туризм оммавийлашиб ва туристлар келиши ошиб бормоқда.

II БОБ. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Глобаллашув шароитида Корея Республикаси туризм ривожланишининг омиллари

Корея Республикасида туризм ривожланиш омиллари хилма-хил бўлиб, уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

Табиий географик омиллар. Кишилар табиат қўйнига чиқиб, жуда кўп манзарали жойларни кўриш ва улардан баҳраманд бўлишга интилади. Сайёҳлик, дам олиш учун табиий шароитнинг хилма-хиллиги даражаси ва хусусияти муҳим аҳамиятга эга. Яъни маълум бир ҳудуднинг ландшафти, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси хилма-хиллиги кишиларнинг дам олиши, ўз саломатлигини тиклаши учун асосий воситалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли сайёҳлик фирмалари экзотик, бетакрор табиий объектларни кўпроқ реклама қиладилар.

Туризмни ривожлантиришда мамлакат ва ҳудуднинг **географик ўрни**, яъни унинг денгиз ва океанга яқинлиги, қирғоқ чизиқларининг хусусияти, турли хил сув, автомобил ва темир йўллар билан кесишиш жойи, тоғли ва ўрмон манзарали жойларга яқинлиги, улар билан таъминланганлик даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Корея Республикаси Корея рим оролининг жанубий қисмини эгаллаб, уни ғарбдан Сариқ денгиз ва шарқда Япон денгизи ўраб туради. Бундай жойлашиш натижасида **денгиз қирғоқлари мамлакатда** туризм соҳасининг ривожланишига катта таъсир кўрсатувчи омил бўлиб хизмат қилади. Океан ва денгиз сувларининг чўмилиш учун қўлай бўлган қирғоқлари таркибига қуйидаги элементлар киради: микроиқлим, денгиз ва океан сувларининг қуруқликка туташ бўлган жойларида сувнинг ҳарорати, чуқурлиги, сув тўлқинлари, кўтарилиши, қайтиши, оқимлар, сувнинг шифобахшлиги, тозаллиги, тиниқлиги, денгиз суви тагининг рельефи, сувдаги йиртқич балиқлар ва ҳайвонларнинг бор-йўқлиги ҳ.к., қирғоқ чизиқларининг тузилиши, пляжлардаги қумлар ва

ётқизикларнинг сифати, ранги, шакллари каби бир қатор омиллар таъсир этади.

Кўп минглаб туристларнинг келиб кетишида туристик ўлканинг **ер усти тузилиши - рельефи** катта рол ўйнайди. Тоғли, хуш манзарали, мураккаб рельеф тузилишига эга бўлган ўлкалар туристлар оқимини ўзига кўпроқ жалб қилишади. Тоғли ўлкалар ўзининг тоза ва соф ҳавоси билан ажралиб, тоғ спортини ривожлантириш имконини туғдиради. Жанубий Кореянинг катта қисми тоғли бўлиб, фақатгина ҳудудининг 30%гина текисликдан иборат. Мамлакатнинг туристларни жалб этувчи муҳим ҳудуди – Чечжуда оролидир. Бу орол 2007 йилда ЮНЕСКО томонидан жаҳон табиий кўриқхонаси мақомини олган. Умуман Кореяда шундай табиий имкониятларга эга 20 дан ортиқ табиий парклари бор. Бу оролда жойлашган Кореянинг жанубидаги энг баланд тоғи Халласан 1950 м, вулқонда жойлашган бўлиб, 1970 йилда миллий парк мақомини олган. Оролнинг яна бир вулкони – Ильчхульбон, у туристларнинг кўп ташриф буюрувчи тоғидир. Бу тоғларда туризм учун муҳим манба бўлган кўплаб ғорлар мавжуд. Улардан энг каттаси Ёнам Комун Орим ғори бўлиб, у тахминан 100.000 – 300.000 йил аввал пайдо бўлган. Тоғлар мамлакат ҳудудининг 65%га яқини эгаллани унда тоғ чанғи курортларини ривожлантиришга сабаб бўлган, ҳозирги даврда мамлакатда 15 га яқин тоқ чанғи базалари мавжуд. Йилига бу базаларга 1 млн.дан ортиқ киши чанғи учишга келиб, тоғ-чанғи курортлари ўз мавсумини узайтириш мақсадида махсус сунъий қор чиқарувчи ускуналар билан жиҳозланган.

Туризмнинг ривожланиш жараёнлари кўп ҳолларда мамлакатлар ва ҳудудларнинг **табиий иқлим** шароитига боғлиқ бўлади. Бу ўринда табиий иқлим шароити етакчи ўринни эгаллайди. Табиий иқлим шароити туризм ҳаракатини мавсумий характерга айлантирувчи асосий омил бўлиб ҳисобланади. Жанубий Корея иқлими субтропик минтақадан мўътадил минтақага ўтувчидир, ёзи иссиқ ва нам, қиши нисбатан совуқ ва қуруқ.



2.1-расм. Корея Республикаси туризм харитаси

Кўпгина хорижий туристларни ўзига жалб қиладиган омиллардан бири, бу **шифобахш минерал сувлар** бўлиб ҳисобланади. Корея Республикаси бундай минерал сув ресурсларидан туризмни ривожлантиришда самарали фойдаланади. Бундай курортлар - Асан Спавис, Ичхон Спа Плюс, Сораквоторпия, Сорак Аквауорлд, Танян Аквауорлд киради (2.1-расм).

Табиий омиллардан ташқари туризмнинг ривожланишига **тарихий ёдгорликларнинг** мавждулиги ҳам хизмат қилади. Корея республикасида туризм ривожланишининг бундай омилларидан бири – буддистларнинг ҳаёти билан танишишдир. Мамлакатнинг 30 дан ортиқ бутхоналар махсус дастурда қатнашиб, унда туристлар буддистлар билан бирга яшаши, уларнинг урф-одатлари билан танишиши мумкин. Бундан ташқари мамлакатда жойлашган Кенджу – корейс маданияти бешиги бўлган шаҳар мавжуд бўлиб, унда подшихлар мақбаралари, боғлар, пагодалар ва қадимги Чеомсеонгдаё обсерваторияси жойлашган. Бу шаҳарда корей хукмронларининг олтин тожлари сақланади.

Маълум бир минтақада, ҳудудда халқаро туризмнинг ривожига таъсир этувчи иқтисодий-географик омилларга қўйидагилар киради:

- туристларни қабул қилувчи мамлакатлар, минтақалар, ҳудудларнинг иқтисодий-географик жойланиши;
- туристларни қабул қилувчи ва туристлар юборувчи мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиш даражаси;
- ички туризм соҳасининг ривожланиш ҳолати;
- хорижий туристларни қабул қилувчи мамлакатларнинг меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси, малакали кадрларнинг сони, уларнинг тайёргарлик даражаси ҳ.к.
- маълум бир ҳудудда рекреацион ресурсларнинг қиймати, транспорт хизматлари тури, озиқ-овқат маҳсулотларнинг нархи, меҳмонхоналарда жойлашиш нархлари, туристик объектлар қурилиш майдонларининг баҳоси;

транспорт, алоқа воситаларининг ҳудудда тутган ўрин ва ҳолати билан характерланади.

Туризм ривожланишининг муҳим омили унинг инфратузилмасидир, Туристик инфратузилмалар ўз таркибига меҳмонхоналар, овқатланиш корхоналари, алоқа йўллари йиғиндиси (йўллар, аэропортлар, кемалар тўхтайдиган жойлар ҳ.к.), коммуникациялар (сув қувурлари, электр тармоқлари, марказий иситиш корхоналари, оқова сув тармоқлари, ахлат тўпловчи корхоналар, телефон, алоқа,), ҳуқуқни ҳимоя қилиш, жамоат – тартибини сақловчи идоралар, тиббиёт ташкилотлари, маиший хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, дўконлар, спорт иншоотларини бирлаштиради ва туристик хизмат кўрсатувчи корхоналар билан чамбарчас ҳолда боғлангандир.

Туристик инфратузилмалар туристик зарурий шарт-шароитларини, сайёҳларнинг хавфсизлиги, соғлиқ-саломатлигини таъминлашга қаратилган. Маълумки, сайёҳ учун қайси бир жойда тинчлик осойишталик, маиший кўлайлик яратилган бўлса, у ўша жойга боришга интилади. Турист автомобилдами, поезддами, меҳмонхонадами қисқаси қаерда бўлмасин у ўзини хавф – хатарсиз ҳолда сезиши, унга зарурат биринчи ёрдам кўрсатилиши зарур. Йирик шаҳар ва туристлар кўп бўлган ҳудудларда замонавий отеллар ва меҳмонхоналар мавжуд. Меҳмонхоналар таснифи ғарб мамлакатларникидан фарқланиб, супер де люкс, делюкс, биринчи, иккинчи ва учинчи синфларга бўлинади. Корея хос меҳмонхона тури – анъанавий корейслар уйлари «ханок» бўлиб, улар эски корейс урф-одатларига кўра жиҳозланган. Улар миллий парклар ва этнографик кўриқхоналарда жойлашган. Бундай уйлар корейс халқи турмуш тарзи билан танишиш имконини беради.

Туризм ривожланишининг энг муҳим инфратузилмаси – транспорт тизимининг ривожланганлигидир. Мамлакат жуда ривожланган транспорт тизимига эга, у ҳам ички туризм, ҳам хорижий туризмни ривожлантириш учун қулай. Мамлакатда 6 та халқаро аэропорт мавжуд, бўлиб, улар Инчхон,

Кимхэ, Чонджу, Тэгу, Янъян и Чеджу аэропортларидир. Кореяда саёхат қилишнинг энг қизиқарли тури денгиз круизларидир. Пусан и Чеджудо, Мокпхо и Хондо, Пхохан и Уллиндо шаҳарлари ўртасида паром қатнови йўлга қўйилган. Йирик халқаро портлари қаторига Пусан, Инчхон киради. Мамлакат темир йўллари жуда тез ва ишончи транспорт воситаси бўлиб ҳисобланади.

Хорижий мамлакатларда сайёҳатга борадиган туристлар, одатда, ўша ерда нималарни харид қилиши қизиқтиради. Бу ноёб, маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотларини, ёдгорликлар, қариндош уруғлари, оила аъзолари учун харид қилишидир. Жанубий Корея хорижий туристларга узок муддатли фойдаланиладиган товарлар (кийим-кечаклар, рўзғор буюмлари, электроника, радио, телефон, телевизор, видеотехника асбоблар)ини сотишга ихтисослашган.

Сиёсий омиллар. Сиёсий омилларга келганда туристларни қабул қилиб олувчи ва туристларни жўнатувчи мамлакатларда муҳим туристик маршрутлар йўналишидаги ҳудудларда, минтақаларда сиёсий вазиятнинг ҳолатига ҳам боғлиқ бўлади. Маълумки, мамлакатдаги ички вазиятнинг қай даражада турғунлиги кўп ҳолларда халқаро туризм оқимининг йўналишини белгилайди. Табиийки, давлатлараро туристларни алмаштиришда, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро келишувчилик муносабатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бу нуқтаи назардан Корея Республикаси барқарор сиёсий вазиятга эгалиги туристларни жалб этади.

Саёҳат хавфсизлиги. Туризмнинг ривожига билан сайёҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш борган сари муҳим ва зарурий масала бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда туризм соҳасида сайёҳларни жўнатувчи ва қабул қилиб олувчи ҳар бир мамлакат учун сайёҳларнинг дам олиш пайтларида, транспорт ҳаракати йўналишларида уларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора тадбирлари ҳар бир мамлакат учун оддий, одатдаги ҳаётий ҳолда бўлмоғи зарур. Халқаро келишилмовчиликлар ёки ҳарбий хатти ҳаракатлар, халқаро жинойатчилик, терроризм воқеа ва ҳодисалари халқаро туризм

оқимиға нафақат тўсқинлик қилади, балки унинг ривожига жуда катта зарба беради. Бу тўғрида халқаро туризмнинг асосий генератори (бошловчиси) бўлган ҳар бир мамлакатнинг ташқи ишлар вазирлиги ўзларининг фуқаролари сайёҳатга борадиган мамлакатлардаги ноҳуш воқеа ва ҳодисалар тўғрисида хабардор қилиб бориши лозим. Сайёҳлар сайёҳатга борадиган мамлакатдаги меҳмонхоналар, овқатланиш корхоналарининг санитария-гигиеник ҳолати, шу жумладан ичимлик суви тўғрисида объектив маълумотларини, юқумлик инфекцион касалликлар келиб чиқиши хавф-хатари тўғрисидаги зурурий маълумотлар билан олдиндан хабардор бўлиши керак.

Илмий–техника тараққиёти (янги технологиялар). Фан-техника ютуқлари туризм индустрияси ва меҳмондўстликда, йўловчилар ташишда, ахборотлар алмашиш соҳаларида кенг қўламда фойдаланилмоқда. Ҳаво траснпортида янги замонавий тез юрар, йирик пассажирлар ташишга мўлжалланган ҳаво кемаларнинг ишлаб чиқарилиши сабабли сайёҳларга хизмат кўрсатиш ҳам ривожланиб бормоқда. Темир йўл транспорти соҳасида технологик омиллар борган сари ривожланиб, ўз аксини поездлар қатнови тезлигини оширилиши билан ифодаланади. Темир йўл транспортининг авиация транспортдан афзаллиги шундан иборатки, темир йўл вокзаллари шаҳар марказида жойлашган бўлиб, сайёҳлар учун қулай имкониятлар туғдиради. Телекоммуникация технологиялари ва электроника саноатининг ривожланиши компьютер тизимида меҳмонхона ўринларини, транспортда чипталарни банд қилишга имкон яратди. Янги технологиларнинг пайдо бўлиши туристик маҳсулотларни ташкил этишда ва уларни сотишда сифат ўзгаришларига сабаб бўлди. Халқаро туризмнинг келажакда ривожланиши биринчи ўринда туристик маҳсулотларнинг такомиллашуви, профессионал турагентлик тармоқларининг ривожланишини, тур операторлар маҳсулотлари соҳаси, маркетинг хизматларининг фойдаланиш даражаси ва инсон омиллари билан боғлиқлиги бўлиб ҳисобланади.

2.2. Корея Республикаси туризм бизнеси ривожланиши

Корея Республикасида туризмнинг ривожланиши сўнгги 30 йил ичида анча жадал юз берди, жумладан, мамлакатга келган туристларнинг сони 1970 йилда 173 минг кишини ташкил этган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 6,8 млн кишини ташкил этди. Шу билан бирга мамлакатдан ташқарида саёҳатда бўлганларнинг сони ҳам кескин ортиб бормоқда, 2009 йилда 6,1 млн. корейлик мамлакатдан ташқарида саёҳатда бўлган. Мамлакатда туризмнинг бундай ривожланишига асосий омил – мамлакатдаги иқтисодий ўсиш, аҳолининг ҳаёт даражаси ўсиши бўлса, иккинчи томондан мамлакат ҳукуматининг туристик бизнес ривожланишига берган эътиборидир. Мамлакатда туризм ривожланишини тартибга солиш ва уни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш Корея Миллий туристик ташкилоти томонидан амалга оширилади. Корея Миллий туристик ташкилоти давлат нотижорат корпорацияси бўлиб, у Маданият ва туризм вазирлиги тизимига киради. 1980 йилдан бошлаб мамлакатда туризмни эркинлаштириш сиёсати олиб борилиб, ушбу сиёсат натижасида мамлакатда туризм жадал ривожланди. (2.1-жадвал)

2.1-жадвал


Корея Республикасида туризм ривожланиш кўрсаткичлари

	умумий туристлар сони		туризмдан олинган даромад	
	млн. киши	ўсиш суръати, %	млрд.доллар	ўсиш суръати
2000	5,5	-	6.1	-
2001	6,1	10,5	6.5	6.0
2002	7,1	17,1	9.0	38.0
2003	7,08	-0,5	8.2	-8.7
2004	8,8	24,2	9.8	19.5
2005	10,1	14,2	12.0	22.0
2006	11,6	15,2	14.3	19.2
2007	13,3	14,8	16.9	18.2
2008	11,9	-10,0	12.6	-25.4
2009	8,6	-24,0	-	

Source: Korea National Tourism Organization. Note: the statistics data of 2009 from Jan. to Nov

Жуда катта кўламда туризм инфратузилмасини шакллантириш, туризм соҳасида фаолият кўрсатувчи кадрларни тайёрлаш тизими фаолиятини


такомиллаштириш, мамлакатда йил бўйи туризслар келиши учун шароит яратиш натижасида мамлакатга келувчи туристларнинг сони йилдан йилга ортди.



2.1- расм. Корея Республикасига келган хорижий туристларнинг сони

Манба: World Tourism Organization (UNWTO).

Шу билан бирга жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, 2009 йилда мамлакатга келган ва мамлакат туристлари сони қисқарган. Корея Республикасининг кўплаб юқори даражада хизмат кўрсатувчи меҳмонхоналари, 20 дан ортиқ миллий парки, турли хил махсус уюштирилувчи фестиваллари хориждан кўплаб туристларни жалб этади. 2.2. – расмда туристлар таркиби акс эттирилган. Расмдан кўриниб турганидек, хорижий туристларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда, агар улар 2005 йилда барча туристларнинг 45,5%ни ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб 68,8%га етган. Хорижий туристлар сонининг ортишига ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатган, ички омил бу туристик инфратузилманинг ривожланиши бўлса, ташқи омиллар – Хитой ва бошқа Осиё Тинч океани минтақаси мамлакатларида даромад даражасининг ортиши улардан саёҳат қилувчилар сонининг ортишига сабаб бўлган.




2.2. расм. Корея Республикасида туристларнинг таркиби

- - мамлакатга келган хорижий туристлар
- - мамлакатдан хорижга борган туристлар
- - ички туристлар


World Tourism Organization (UNWTO).

Мамлакат туристларининг кўпчилиги ривожланган мамлакатларга саёхат қилишни яхши кўришади. Энг кўп туристлар Японияга саёхат қилган, бу ерда ҳам Хитойнинг улуши ўсиб борганлигини кўришимиз мумкин.



2.3-расм. Кореялик туристларнинг саёхат қилган мамлакатлари ҳиссаси
Манба: World Tourism Organization (UNWTO).

Шу билан бирга жаҳон молиявий-иқтисодий кризис Корея туризмига салбий таъсир этганлигини кўришимиз мумкин, бу ҳам келувчи, ҳам кетувчи туристларнинг сонида ўз аксини топган. 2.4-расмда Кореялик туристлар сонининг ўзгариши акс эттирилган.




2.4-расм. Ташқи туристларнинг сони ўзгариши.

Манба: World Tourism Organization (UNWTO).

Сўнгги йилларда Корея Республикасининг Хитой билан туристик алоқалари кенгайиб бормоқда. Жумлдан, 200 йилда Хитойга ташриф буюрган Кореялик туристларнинг сони 1,3 млн. кишини ташкил этган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 4,8 млн. кишини ташкил этди. Лекин кейинги йилларда инқироз туфайли пасайиш ҳолатини кўришимиз мумкин (2.5-расм).

Мамлакатдан ташқарига саёҳат қилувчи туристларнинг мақсадини таҳлил этиш уларнинг дам олиш, маданий ва тарихий ёдгорликларни кўриш, бизнес, турли фестивал ва анжуманларда иштирок этиш, диний туризм, саломатликни яхшилаш, таълим олиш мақсадида бошқа мамлакатларга саёҳат қилганлигини кўришимиз мумкин.



2.5-расм. Корея республикасидаан Хитойга борган туристлар сони ўзгариши.

- - туристларнинг абсолю сони, млн. киши
 ◆ - аввалги йилга нисбатан фоизларда

Туризм ривожланишини таҳлил этиш сўнгги йилларда бизнес мақсадида сафарга чиқувчиларнинг сони бирмунча камайганини кўришимиз мумкин.

Жаҳон туризм ташкилотининг маълумотларига кўра, Корея Республикаси жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида ҳам ўз туристик мавқеини сақлаб қолишга сазовор бўлди. Ташкилотнинг “Осиё - Тинч океани минтақасида глобал инқироз даврида туризм ривожланиши” мавзусидаги ҳисоботида таҳлил этилган 21 та мамлакат ичида биринчи ўринга сазовор бўлди. Жаҳон туризм ташкилоти бу мамлакатларда туризм ривожланишини 10 кўрсаткич бўйича баҳолаган бўлиб, Корея Республикаси ушбу кўрсаткичларнинг 6 таси бўйича юқори баҳо олган. Булар қуйидагилардир:

- ташқи сиёсий ҳамкорлик;
- яшил туризм ривожланишига қўшилган ҳисса;
- ташқи туризм ривожланиши;
- тиббий туризм ривожланиши;
- халқаро конференцияларда катнашиш.

Ташқи сиёсий ҳамкорлик рейтингида олинган баҳо асосан Корея Миллий туризм ташкилотининг “Visa” картаси билан ҳамкорликда амалга

оширган “Кореяда туризмни ривожлантириш” дастурини амалга оширганлиги учун берилган. Шунингдек, мамлакатда экотуризм учун яхши база яратилган, шунингдек, мамлакат ичида туризм ривожлантирилганлиги учун ҳам юқори баҳога сазовор бўлди.

Мамлакатда сўнгги йилларда тиббий туризм учун шароитнинг яхшиланиши бу соҳада туристларнинг оқими кенгайганлигига сабаб бўлди. Мавжуд иқлим шароити, иссиқ булоқларнинг мавжудлиги каторида бу ерда ноанъанавий, тўғрироғи Корея учун анъанавий тиббиётнинг ривожланганлиги бундай ривожланишнинг асосий омилidir.

Шунингдек, Корея Миллий туризм ташкилоти томонидан 2010-2012 йиллар учун мўлжалланган туризм хизматлари бозорини ривожлантириш маркетинг лойиҳаси Жаҳон туризм ташкилотининг юқори баҳосига сазовор бўлди.

2.3. Корея Республикасида туризм ривожланиш истиқболлари

Корея Республикаси туризмни ривожлантириш дастури Корея Миллий туризм ташкилотининг “Visa” картаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра мамлакатда туризмни ривожлантириш бир нечта йўналишда юз бериши керак.

Биринчидан, туризм соҳасида ишловчи малакали кадрлар тизмини тайёрлаш. Ҳозирги пайтда бир нечта университетлар томонидан бундай мутухассислар тайёрланмоқда. Шунингдек, туризм соҳасида тадқиқотлар олиб бориш, маркетинг, янги туристик хизматлар турларини лойиҳалаштириш, уларни реклама қилишни йўлга қўйиш соҳалари ривожланиши керак.

Мамлакатда туризмнинг тиббий туризм, экотуризм каби турларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Тиббий туризм ривожланишининг муҳим омили бу яратилган инфратузилма ва ускуналар эмас, балки тиббиё кадрларнинг малакаси юқорилиги, соҳликни сақлаш тизимнинг ишончлилиги ва тиббий хизматларнинг нисбатан арзонлигидир. Тиббий туризмнинг икки тармоғи айниқса машҳур бўлиб – шарқ тиббиёти ва пластик жарроҳлигидир. Кореяда шарқий тиббиёт асосан акупунктура ва куйдириш, шунингдек, гиёҳлар билан даволаш машҳур. Сўнгги йилларда мамлакатда умуртқа поғонаси касалликларини жарроҳлик аралашувисиз, янги тиббий усуллар ва шарқий тиббиёт усулларида фойдаланиш йўли билан даволаш йўлга қўйилган. Давлат томонидан тиббий сайёҳликни ривожлантириш мақсадида соғлиқни сақаш тўғрисидаги қонунларига тегишли ўзгаришлар киритган. Шунингдек, пластик жарроҳлик бўйича туризмни кенгайтириш мақсадида янги туристик маҳсулот – “Сеулда гўзаллик тури” ("Seoul beauty tours") ни ташкил этди. Пусан ҳозирда косметологик туризм марказига айланмоқда. Бу минтақада туризмнинг ушбу тури бўйича етакчилиқни эгаллашга қаратилган. Фақатгина 2008 йилда мамлакатга даволаниш учун 40 мингта турист келган.

Ҳозиргии пайтда Корея Республикасида ривожлантиришга аҳамият берилаётган иккинчи йўналиш бу – экотуризмдир. Маълумки, мамлакатда қабул қилинган яшил дастур доирасида туризмни ҳам ривожлантириш кўзда тутилган. Корея Миллий туристик ташкилоти таркибида махсус табатни муҳофаза қилиш бўйича бўлим тузилган бўлиб, унинг вазифаси тижорат мақсадларида табиатдан фойдаланишда меъёрларнинг бузилмаслигини назорат қилишдир.

2009 йилда мамлакат ривожланишининг яшил курси эълон қилиниб, унга кўра қуйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- энергия тежовчи иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида энергиянинг қайта тикланувчи манбаларидан фойдаланиш;
- инсон ҳаёт сифати ва табиий муҳитни яхшилаш учун экологик тоза транспорт воситаларини ишга солиш ва кишиларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш;
- атмосферани карбонат ангидрид билан ифлосланишининг олдини олиш ва куррамизни ҳимоя қилиш учун ҳамда келажак авлодлар учун тоза сувни сақлаш каби чораларни ўз ичига олади.

Ушбу лойиҳа доирасида тўртта дарё ҳавзасини тиклаш лойиҳаси амалга оширилиб, бу мамлакатнинг йирик саноат шаҳарлари, дарёлар - Ханган, Нактонган, Кимган и Ёнсанган дарёлари дир. Лойиҳага кўра бу дарёлар ҳавзасида тарихий ва маданий меросни ҳам тиклаш кўзда тутилган, дарёларнинг қирғоғида 1411 км велосипед учун йўл қуриш, янги дарё круизларини ташкил этиш кўзда тутилган. Шу билан бирга бу лойиҳалар 190 мингта янги иш ўринларини яратиши керак.

Шунингдек, мамлакатда туризмни ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган маркетинг тадқиқотлари, реклама компаниялари тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш керак, жумладан, ҳозирги пайтда Кореянинг машҳур актерларидан турли мамлакатларда Кореянинг туристик “элчилари” сифатида фойдаланмоқдалар.

Мамлакатга туристларни жалб этишда фойдаланилувчи муҳим чоратadbирлар қаторига кредит ташкилотлари иштирокида турли хил бонустadbирларини амалга оширилиши киради. “Кореяга ташриф буюринг” мавзусида ўтказилувчи бундай тadbирлар турли мамлакатларда ўтказилиб, уларнинг ғолибларига молия ташкилотлари томонидан Кореяга ташриф учун маблағ ажратилади.

Туризм соҳасини эркинлаштириш мамлакатга кўпроқ туристлар келишини рағбатлантиради. Бошқа томондан давлат меҳнат бозорини туристик визалари билан кириб келаётган нолегал мигрантлардан ҳимоя қилиши керак. Шу билан бирга туристик бозорни ҳаддан ташқари назорат қилиш ҳам унинг ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкин. Нолегал мигрантлар муаммосини турли мамлакатлардаги элчихоналарда ҳал этиш керак.

Жанубий Кореяда шунингдек, ички туризмни ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

Кореяда туризм ривожланиши истиқболлари ҳақида гапирганда бу соҳанинг автомобилсозлик ва электроника билан ҳали рақобат қила олмаслиги маълум. Шу билан бирга, туризм инсоният фаолиятининг ноёб тури сифатида мамлакат иқтисодиёти ва маданияти билан чамбарчас боғлиқ, унинг ривожланиши эса, жамиятнинг ҳолати ҳақида дарак беради. Шунга боғлиқ равишда давлат томонидан туризмга инвестицияларни рағбатлантириш сиёсатини олиб бориш керак. Бунинг учун Корея Миллий туризм ташкилоти томонидан ҳар йили халқаро инвестиция конференциясини ўтказилади. Бу конференциянинг мақсади мамлакат туризм соҳасига ички ва хорижий инвестицияларни жалб этишдир.

Корея Республикасида ЯИМ да туризм хизматларининг ҳиссаси 2008 йилда 6,6% ёки (69,3 млрд долларни ташкил этган), истиқболда соҳанинг жадал суръатлар билан ривожлантириш натижасида бу кўрсаткич ўн йил ичида, яъни 2018 йилда 7,2%ни, ёки 123,3 млрд. долларни ташкил этиши керак.

Ҳозирги пайтда мамлакатнинг барча банд аҳолисининг 7,2% ёки 17 млн. киши ушбу соҳада банд, 2018 йилга келиб унинг ҳиссаси 13,2%га етиши керак. Бунинг учун туризм соҳаси йилига ўртача 5,4%га ўсиши керак.

Мамлакатдан туризм хизматлари экспорти ўсиши юз бермоқда, 2008 йилда соҳа экспорти бутун экспортнинг 6,4% ни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб, бу кўрсаткич 2 баробар ортиши керак.

Ҳозирги пайтда мамлакатда Туризм ривожланишининг иккинчи режаси амалга оширилиб, унинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

- Корея Республикасини туризм ривожланиши бўйича рақобатбардош, қулай муҳит яратилган мамлакатга айлантириш;
- Туризм мамлакатда ривожланиш ва мавжуд анъаналарни сақлаб қолиш уйғунлигида ривожланиши;
- Мамлакат туризми туристик ресурслар қийматини оширишга қарилган билимларга асосланиши;
- Туризм ривожланиши корейс тилини ўрганишга қизиқиш уйғотиши;
- Корея ярим оролида тинчлик ўрнатилишига хизмат қилиши.

Бу мақсадларга эришиш учун ҳукумат томонидан қуйидаги чора тадбирларнинг амалга оширилиши рағбатлантирилади:

- туризм ресурсларини ривожлантириш;
- туризм маҳсулотлари табақалашувига эришиш;
- туризм инфратузилмасини такомиллаштириш;
- жаҳон даражасида туризм хизматлари учун шароит яратиш;
- туризмни ривожлантириш учун турли тадбирларни, жумладан, жаҳон чемпионатлари, Осиё ўйинлари, каби тадбирларин ўтказиш;
- туризм воситасида ҳаёт сифатина яхшилаш;
- туризм соҳасида халқаро алоқаларни ривожлантириш.

Мамлакатда 2010-2012 йиллар Кореяга ташриф буюриш йили деб эълон қилинган. Ушбу лойиҳа доирасида қуйидаги чора тадбирлар амалга оширилмоқда:

- Кореядаги катта нархи туширилган савдо; бунда мамлакатнинг кўпчилик йирик савдо марказлари маълум давр мобайнида арзон нархларда савдо кампаниясини ўтказадилар. Масалан, 2011 йилда у 10 январдан 28 февралгача ўтказилди;

- Меҳмонхоналарда 3+1 ва 4+1 акцияларини ўтказиш, бунда 3 кун меҳмонхонада бўлган кишига 4 – кун совға сифатида берилади;

- Машҳур компаниялар йил давомида ўз маҳсулотларини махсус нархларда сотиши;

- Шаҳар атрофида туристлар учун bepул саёҳат автобусларини ташкил этиш кабилар.

Ушбу лойиҳага кўра 2012 йилда Корея Республикасига 12 млн. хорижий келиши, туризмдан келадиган даромадлар 13 млрд. долларни ташкил этиши лозим.

Туризмни ривожлантиришни молиявий маблағ билан таъминлаш учун мамлакат ҳукумати томонидан 179 млн. доллар ажратилди. Шу билан бирга “Туризмни ривожлантириш ва рағбатлантириш фонди” ташкил этилди. Бу фонд туризм соҳасида фаолият кўрсатувчи фирмаларга йилига 5% ли кредитлар берилди. Давлат томонидан туризм бизнесига инвестицияларни 10 йил ичида 11 баробар оширишга эришди. Давлат томонидан махсус туристик лойиҳалар амалга оширилди, шундай лойиҳалардан етти та маданий туризм лойиҳасидир.

Туризм инфратузилмасини ривожлантиришда транспорт ва ахборот инфратузилмаси муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатда хорижий туристлар учун махсус ахборот марказлари ташкил этилган.

Туристтик хизматлар сифатини ошириш мақсадида мамлакатда Корея туризм илмий-тадқиқот институти ташкил этилган. Бу институтнинг асосий вазифалари қаторига давлатнинг туризм сиёсатини амалга ошириш, туризм ривожланишининг қисқа ва ўрта муддатларга мўлжалланган режаларини ишлаш, мамлакат туризм бозори мониторингини олиб бориш киради.

Туризм соҳасига инвестицияларни жалб этиш мақсадида эркин иқтисодий ҳудудлар ва махсус туристик зоналар ташкил этилиб, бу зоналарга киритилган инвестициялар солиқ имтиёзларига эга.

Жанубий Кореяда туристик бизнесда ҳам давлат, ҳам хусусий сектор фаол иштирок этади.

Кореяда туристик бизнес ривожланишида ҳозирда қуйидаги муаммолар мавжуд:

- туризмга инвестицияларни кенгайтириш;
- малакали туристик кадрларни тайёрлаш;
- туристлар хавфсизлигини, айниқса, Шимолий Кореяга яқин ҳудудларда таъминлаш.

2.4. Ўзбекистонда туризм соҳаси ривожланиши хусусиятлари

“Ўзбектуризм” Миллий Компаниясининг вужудга келиши ва бу ташкилотнинг 1993 йили Бутунжаҳон туризм ташкилотига аъзо бўлиб кириши Ўзбекистон туризми тараққиётида қўйилган ўлкан кадам бўлди. Республикада халқаро туризмни янги босқичга кўтариш ва самарали фаолият кўрсатишига мос келадиган янги шарт-шароит ва механизмлар вужудга келди.

1995 йил июнь ойида Республика Президенти “Буюк Ипак Йўли»нинг тикланишида Ўзбекистон Республикасининг иштирокини фаоллаштириш ва Республикада халқаро туризмни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига имзо чекди. 1995 йил октябрида Тошкент шаҳрида “Ипак Йўлида туризм” номи билан биринчи туристик ярмарка ўтказилди. Шундан бери бундай ярмарка ҳар йили узлуксиз равишда ўтказилиб келинмоқда. Бу ярмаркаларда тузилган шартнома ва битимлар туризмни янада ривожлантириш, Республиканинг туризмга оид имкониятларини ишга солиш ҳамда “Буюк Ипак Йўли”га хос бўлган қадимий анъаналарни тиклашга кенг йўл очиб бермоқда.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга қаратилган бир қатор фармонлар, қарорлар орасида Президентимиз томонидан имзоланган “Ўзбекистонда 2005 йилгача туризмни ривожлантириш давлат дастури” тўғрисидаги, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини яратиш бўйича чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарори муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда халқаро туризмни янада юқори босқичларга кўтаришда 1999 йил 20 августда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган “Туризм тўғрисида қонун” алоҳида ўрин эгаллайди. Бу қонун мамлакатимизда туризмни кучайтириш ва туризмга хизмат қилиши лозим бўлган инфратузилмалар вужудга келтириш имконини очиб беради. Туризмни ривожлантиришга оид Фармон ва қарорларни бажариш ҳамда Республикада туризм тараққиёти учун зарур бўладиган улкан

имкониятлар мавжудлигидан оқилона фойдалана билиш ҳозирги куннинг талабидир.

Жаҳон иқтисодиёти тажрибаларидан маълумки, туризм соҳаси мамлакат хазинаси учун зарур бўлган валюта тушумини таъминлаш, янги иш жойларини вужудга келтириш ва шу билан биргаликда аҳолининг турмуш даражасини кўтариш учун хизмат қилади. Республикамиз халқаро туризм соҳасидаги имкониятларининг катталиги билан қўшни мамлакатлардан тубдан фарқ қилади. Ўзбекистоннинг географик ўрни, ниҳоятда қўлай, табиий иқлим шароитига эга эканлиги, инсоният маданий тараққиётида ҳам катта ўрин тутди. Ўзбекистон бетакрор, ажойиб тарихий архитектура ёдгорликлари, ширин-шакар мевалари, хилма-хил миллий таомлари, ажойиб миллий анъаналари, урф-одатларига эга бўлган меҳмондўст халқига эга. Буларнинг барчаси чет эллик туристлар эътиборини ўзига тортади. Халқаро туризмни ривожлантиришда Ўзбекистонда мавжуд бўлган сиёсий барқарорлик ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистонда бозор муносабатлари шароитида халқаро туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари давлат томонидан белгиланган бўлиб, иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш учун турли битимлар, келишувлар амалга оширилган ва оширилмоқда. Шу билан бир вақтда халқаро туризмни ривожлантиришда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар қўйидагилардан иборат:

- халқаро туризмда кичик ва ўрта тадбиркорлик фаолиятидан кенг фойдаланиш ва халқаро бозорларга чиқишга интилиш;
- маҳаллий ахборот агентликлари орқали ривожланган мамлакатларни Ўзбекистоннинг туристик имкониятлари билан яқиндан таништиришга ҳаракат қилиш;
- туризм соҳасида ишлайдиган мутахассисларни чет элларда бир йилда камида бир марта малака оширишга юбориш, ўқитиш, улар учун барча имкониятларни яратиш, туристларга сифатли хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш;

- республикамиз вакилларининг Европа мамлакатларида ўтказиладиган туристик ярмаркаларда доимий равишда иштирок этишини таъминлаш;
- халқаро туристик ташкилотлар билан ахборот алмашишни яхшилаш, биргаликда фаолият юрита оладиган давлатлар билан қўшма корхоналар тузиш ва улар фаолиятини кенг йўлга қўйиш;
- ички туристик бозорда ўзаро рақобатни янада кучайтириш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Демак, халқаро туризмни ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиёти учун ғоятда зарур бўлиб, унинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда туризм соҳаси орқали аҳолининг моддий фаровонлигини яхшилаш, уларни иш билан таъминлаш учун янги иш ўринларини ташкил қилиш лозим бўлади. Халқаро туризм соҳаси республикамиз иқтисодиёти учун ғоятда зарур бўлган валюта тушумини таъминлайди.

Гарчи туризм соҳасида хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш соҳасида муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, ушбу ишлар кўлами республикамизнинг туристик имкониятлари даражасига мувофиқ келмаслигини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистонда туризм соҳасини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналиши туризмнинг халқаро талабларга жавоб бера оладиган моддий-техника базасини барпо этиш ва мустаҳкамлаш ҳисобланади. Бу ерда асосий эътибор меҳмонхона ва туристик базалар, отеллар ва кемпинглар, мотеллар тизимини барпо этишга қаратилмоғи лозим.

Таҳлиллар шуни курсатадики, жами туристлар оқимининг 65 фоизга яқини "уч юлдузли" ва ундан паст тоифадаги меҳмонхоналарда жойлашадилар. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда хорижий туристларнинг асосий қисми қиммат меҳмонхоналарда ("тўрт юлдузли") қўним топмоқдалар. Бу эса ўртаҳол туристлар қизиқишининг пасайишига олиб келмоқда. Шу муносабат билан жаҳон андозалари даражасида кичик ва ўрта меҳмонхоналар, мотеллар

ва кемпинглар тармоғини барпо этиш бугунги кундаги долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, бундай меҳмонхоналар фақат мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари - Бухоро, Самарқанд, Хива ва Тошкентда эмас, балки бошқа шаҳарларда ҳам қурилиши мақсадга мувофиқ, чунки Ўзбекистонда туризм нуқтаи назаридан жозибадор бўлган кўплаб ҳудудлар мавжуд бўлиб, тегишли инфратузилманинг мавжуд эмаслиги туфайли бу ҳудудларда туризм соҳаси ривожланмасдан қолмоқда.

Ўзбекистонда туризм ривожланишининг муҳим йўналишларидан бири сайр-томошалар замонавий индустриясини барпо этиш билан боғлиқ.

Туризм объектларида театр саҳналарининг қўйилиши туристларни Ўзбекистон билан яқиндан танишишлари учун яхши имконият яратиш билан бирга республикаимиз маданияти ва анъаналарининг оммавийлашишига ижобий таъсир курсатади. Айни вақтда туристларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун қулай шарт-шароитлар тизимини барпо этиш лозим. Табиий парклар, тунги казино ва барлар, теннис, гольф сингари спорт ўйинлари учун майдонлар қуриш ана шулар жумласидандир.

Ўзбекистон туристик маҳсулотини ривожлантириш дастури аэропортларда, темир йул вокзалларида, автобус станцияларида халқаро терминаллар қўриш, уларни таъмирлаш ва кенгайтириш, шунингдек, барча туристларни қабул қилиш марказларида замонавий коммуникация тизимларини барпо этиш вазифаларини ҳал этишни ҳам ўз ичига олади.

Халқ амалий санъати, ҳунармандчилик, устахоналар, анъанавий миллий буюмлар, сувенирлар ва туристлар томонидан талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчилар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши лозим.

Республикаимизда туризм соҳасини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири туризмнинг турли шакллари ривожлантиришдан иборат. Бугунги кунда мамлакатимизда 20 дан ортиқ туристик маршрутлар

мавжуд. Бу маршрутлар асосан маданий ва ўрганиш характериға эға бўлиб, уни ишлаб чиқишда миллий ва хорижий экспертлар ЮНЕСКО томонидан ишлаб чиқилган "Ипак йўли - мулоқот йўли" Дастуридан келиб чиққанлар. Маълумки, ушбу дастурда Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг координаторларидан бири ҳисобланади.

Туризм соҳаси ривожланган мамлакатлар билан солиштирганда албатта, бу кўрсаткич анча паст ҳисобланади. Юқоридаги маршрутлар билан бир қаторда республикамизнинг табиий, иқтисодий ва тарихий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда туризмнинг турли шакллари ривожлантириш имкониятлари мавжуд.

Бизнинг фикримизча, республикамиз минтақаларининг ўзига хос табиий, иқтисодий, тарихий-маданий имкониятларидан келиб чиқиб, туризмнинг қуйидаги шакллари ривожлантириш мумкин:

- экскурсия ва ўрганиш (тарихий) туризми. Туризмнинг мазкур турини Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари - Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива, Шахрисабз каби шаҳарларида ривожлантириш мумкин. Бу ерда асосий эътибор туристларни монументал архитектура объектлари, тарихий ёдгорликлар билан яқиндан таништиришга қаратилмоғи лозим;

- археологик туризм. Бу туризм шаклини Термиз, Қува, Хоразм каби шаҳарларда ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлиб, унда туристларни археологик топилмалар билан таништириш, реставрация ишларига қатнашишини таъминлаш саёҳатнинг мазмунли ўтишини таъминлайди;

- рекреацион туризм. Туризмнинг ушбу шакли дам олиш ва соғломлаштириш мақсадларини кўзда тутди. Унинг бошқа туризм шаклларида фарқи шундаки, унда туристлар узоқ вақт давомида битта шаҳарда бўладилар, маршрутлар сони кам бўлади. Шунингдек, ушбу туризм шаклида авиация транспортдан, энг аввало, чартер рейслардан кенг фойдаланилади. Ўзбекистонда шифобахш ерости ва минерал сувларнинг мавжудлиги рекреацион туризмни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради (Тошкент, Жиззах вилоятлари, Фарғона

водийси). Ҳисоб-китобларга кўра, республикамизда 2000 дан кўпроқ жойда даволаш-соғломлаштириш объектларини куриш мумкин. Аммо бугунги кунда 150 та шундай объектлар фаолият кўрсатмоқда ва уларнинг ҳам фақат 8 тасида хорижий туристларни қабул қилиш мумкин, холос;

- саргузашт туризми. Туризмнинг ушбу шакли республикамизнинг дашт ва чўллари, Чимён тоғ бғгирлари бўйлаб саёхатни, альпинизм, йўл шароитларида (поход) яшашни кузда тутати;

- экзотик туризм. Мазкур туризм шакли ов, балиқ овлаш, театрлаштирилган сахналарда иштирок этиш ва бошқаларни ўз ичига олади;

- экологик туризм. Бу туризм шакли туристларга Ўзбекистоннинг кўриқхоналари, табиий парклари бўйлаб саёхат қилишга имкон беради (Фарғона водийси, Чорвоқ сув омбори, Орол денгизи, Зомин ва бошқалар);

- конференц-турлар. Бундай дам олиш шакли Ўзбекистоннинг маданий-тарихий марказлари билан танишиш билан бирга конференциялар, симпозиумларда иштирок этиш имконини беради;

- диний туризм. Мамлакатимизнинг диний обидаларга бойлиги, тарихан ислом дини ривожланган минтақалардан бири бўлганлиги туризмнинг ушбу шаклини муваффақият билан ривожлантириш имкониятини беради. Бугунги кунда Малайзия, Индонезия, Покистон, Саудия Арабистони, Афғонистон, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари каби мусулмон мамлакатларидан ташриф буюраётган кўплаб туристларнинг асл мақсади республикамизда мавжуд диний обидаларни зиёрат қилишдан иборат;

- этник ва ностальгия туризми. Маълумки, кўплаб илгари Ўзбекистонда яшаган ёки авлодлари яшаган кишилар бугунги кунда дунёнинг турли мамлакатларида (Саудия Арабистони, Туркия, МДХ мамлакатлари, Исроил ва бошқалар) истиқомат қилмоқдалар. Бу ҳолат республикамизда туризмнинг ушбу шаклини ривожлантириш учун қулай шароит яратати.

Туризм соҳасида ислоҳ қилишнинг яна бир муҳим йўналиши маркетинг соҳасида ишларни фаоллаштиришдан иборат. Бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг кучли рақобат ҳукм сураётган жаҳон туризм бозорига муваффақиятли интеграциялашуви, рақобатдош турмаҳсулотлар ишлаб чиқариши маркетинг тадқиқотларини мақсадга мувофий йўлга қўйилишига боғлиқ.

Жаҳоннинг турли тилларида Ўзбекистан тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи махсус интернет-портал ташкил этиш ҳам республикаимиз туристик имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни тарқатишга ижобий таъсир кўрсатади. Унинг муҳим қисми мустақил ахборотларни янгилаб турувчи туризм минтақавий бошқариш органлари саҳифалари бўлиши лозим.

Шундай қилиб, қисқача таҳлиллар натижалари туризм соҳасини ислоҳ қилишни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш лозимлигини кўрсатади:

- туризм соҳасида иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш ва хусусийлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ишларни мантиқий якунига етказиш ва хусусий туристик компаниялар фаолиятга учун қулай шарт-шароитларни барпо этиш;

- туризм соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, халқаро туристик ташкилотлар билан алоқаларни йўлга қўйиш, туризм соҳасига хорижий инвестициялар ва халқаро кредитларни жалб қилиш;

- республикада туризм соҳасининг потенциал имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда туристик хизматлар бозорида талаб ва таклиф мувозанатига эришиш;

- хорижий мамлакатларда ўзбек турмаҳсулотлари тақдиротини доимий тарзда ўтказиш ва халқаро туристик ярмаркаларда иштирок этиш;

- янги меҳмонхоналар, кемпинглар, турбазалар, отеллар, мотеллар қуриш ва мавжудларини таъмирлаш ҳамда замонавийлаштириш ҳисобига туризмнинг халқаро талабларга жавоб бера оладиган моддий-техника базаси ва замонавий халқаро туризм инфратузилмасини барпо этиш ва улардан самарали фойдаланиш;

- сайр-томошалар замонавий индустриясини барпо этиш: табиий парклар, барлар, теннис, гольф сингари спорт ўйинлари учун майдонлар қуриш ва бошқалар;

- аэропортларда, темирўул вокзалларида, автобус станцияларида халқаро терминаллар қуриш, уларни таъмирлаш ва кенгайтириш, шунингдек, барча туристларни қабул қилиш марказларида замонавий коммуникация тизимларини барпо этиш;

- халқ амалий санъати, ҳунармандчилик, устахоналар, анъанавий миллий буюмлар, сувенирлар ва туристлар томонидан талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

- республикамизнинг табиий, иқтисодий ва тарихий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда туризмнинг турли шакллари - экскурсия ва ўрганиш туризми, археологик туризм, рекреацион туризм, саргузашт туризми, экзотик туризм, экологик туризм, конференц-турлар, диний туризм, этник ва ностальгия туризмини ривожлантириш;

- ички ва халқаро туризм бозорида рақобатбардош турмаҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш ва республикамизнинг жаҳон туризм бозорига интеграциялашувини таъминлаш мақсадида маркетинг тадқиқотларини такомиллаштириш;

- меҳмонхоналарнинг номер фондидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

- туризм соҳасини ахборот билан таъминлаш ва туристик бизнесда энг янги технологиялардан фойдаланиш асосида республикамизнинг туристик имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни интернет сайтлари орқали хорижий мамлакатларга тарқатиш.

ХУЛОСА

Битирув малакавий ишни ёзиш даврида амалга оширилган таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ҳозирги замон хорижий илмий адабиётларида «Туризм» тушунчасини аниқлашга турлича ёндошувлар мавжуд. Бу ёндошувларни турлича белгиларга қараб бир неча гуруҳларга бирлаштириш мумкин:

- туризм одамларни йўналиш бўйича аниқ объектга ташриф буюриши ёки махсус қизиқишини қондириш ва доимий яшаш жойига қайтиб келиши ҳаракатларининг алоҳида шаклидир;

- туризм одамларнинг ҳаракатланиши (жойини ўзгартириши), уларни доимий яшаш жойида бўлмаслиги ва қизиққан объектида (сафарда) вақтинча бўлиши;

- туризм шахсни уни ижтимоий-гуманитар функцияси орқали (тарбиявий, таълимий, соғломлаштириш ва спорт) амалга ошириладиган ривожланишининг алоҳида шаклидир;

- туризм дам олишни, бўш вақтни ўтказишнинг оммавий шаклидир;

- туризм одамларга вақтинча доимий яшаш жойида бўлмаган пайтида хизмат кўрсатиш бўйича хўжалик соҳасидир;

- туризм бозор сегменти сифатида истеъмолчиларга ўз маҳсулотлари ва хизматларини (маркетинг назарияси нуқтаи назаридан) таклиф этиш мақсадида анъанавий хўжалик тармоқлари (транспорт, умумий овқатланиш, меҳмонхона хўжалиги, маданият, савдо ва бошқа.) билан бозорга чиқади.

2. Туризмнинг таснифини беришда жуда кўп хусусиятларни эътиборга олиш керак бўлади. Сафар ташкилотчиси фаолияти характери, қабул қилувчи минтақа хусусияти, маркетинг ва туристик бизнесни бошқариш бўйича фаолият туризмни таснифлашга асос бўлади. Халқаро туризмни таснифлашда фойдаланилувчи хусусиятлар ва белгилар қаторига таклиф типи, сафарни уюштириш усули, саёҳат мақсади, ҳаракатланиш усули ҳисобланади.

Таклифлар тури бўйича таснифлаш гуруҳ (Group) ва якка ҳолда (FIT)ги туризмга,

Саёҳат мақсади бўйича БТТ бош мақсадга боғлиқ ҳолда сафарни қуйидаги гуруҳларга бўлади:

- дам олиш ва рекреация;
- ижтимоий мақсадлар;
- ишга алоқадор ва касбий (профессионал) мақсадлар;
- танишлар, қариндошларникига ташриф буюриш;
- диний (зиёрат);
- бошқа мақсадлар.

3. БТТ маълумотида кўра, ҳозирги кунда халқаро туризм яна ўз мавқиени сақлаб қолишга қодир бўлди. Унинг эвазига жаҳон ялпи маҳсулотининг 6 %, халқаро инвестицияларнинг 7 %, дунё истеъмол харажатларининг 11 % ва солиқлар тушумининг 5 % тўғри келади. Ҳозирги кунда Ғарбий Европа ва Шимолий Америкада ишлаётган ишчиларнинг 13 тадан бири туризм индустриясида, Жанубий-шарқий Осиё мамлакатларида эса ҳар бир 15 ишчидан бири туризм бизнеси билан банддир. Терроризм, табиий офатлар, инсон саломатлиги учун қўрқув, хавф- хатарлар, жаҳон бозорида нефт нархининг кескин қўтарилиши, валюта курсининг ўзгариши, иқтисодий инқирозларга дуч келиши ва сиёсий барқарорсизлик, экологик вазиятларнинг кескинлашуви ва бир қатор глобал (оламшумул) муаммоларнинг кучайиши халқаро туризм индустриясига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Шунга қарамасдан халқаро туризм соҳаси жаҳон иқтисодиётида борган сари ўз мавқиени сақлаб қолмоқда. Дунё мамлакатлари ўртасида халқаро туризм оммавийлашиб ва туристлар келиши ошиб бормоқда.

4. Корея Республикасида туризм ривожланиш омиллари хилма-хил бўлиб, уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- табиий географик омиллар - ер усти тузилиши – рельефи, денгиз, кўлларнинг мавжудлиги, иқлим шароити, ороллар, **шифобахш минерал сувларнинг** мавжудлиги;
- тарихий ёдгорликлар;

- туризм инфратузилмасининг ривожланиш даражаси;
- сиёсий вазият ва саёҳат хавфсизлиги;
- ахборот технологиялари ва фан-техника тараққиёти;
- давлатнинг туризмни ривожлантиришга қаратилган сиёсати.

5. Корея Республикасида туризмнинг ривожланиши сўнгги 30 йил ичида анча жадал юз берди, жумладан, мамлакатга келган туристларнинг сони 1970 йилда 173 минг кишини ташкил этган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 6,8 млн кишини ташкил этди. Шу билан бирга мамлакатдан ташқарида саёҳатда бўлганларнинг сони ҳам кескин ортиб бормоқда, 2009 йилда 6,1 млн. корейлик мамлакатдан ташқарида саёҳатда бўлган. Мамлакатда туризмнинг бундай ривожланишига асосий омил – мамлакатдаги иқтисодий ўсиш, аҳолининг ҳаёт даражаси ўсиши бўлса, иккинчи томондан мамлакат ҳукуматининг туристик бизнес ривожланишига берган эътиборидир. Хорижий туристларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда, агар улар 2005 йилда барча туристларнинг 45,5%ни ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб 68,8%га етган. Хорижий туристлар сонининг ортишига ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатган, ички омил бу туристик инфратузилманинг ривожланиши бўлса, ташқи омиллар – Хитой ва бошқа Осиё Тинч океани минтақаси мамлакатларида даромад даражасининг ортиши улардан саёҳат қилувчилар сонининг ортишига сабаб бўлган.

6. Жаҳон туризм ташкилотининг маълумотларига кўра, Корея Республикаси жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида ҳам ўз туристик мавқеини сақлаб қолишга сазовор бўлди. Ташкилотнинг “Осиё - Тинч океани минтақасида глобал инқироз даврида туризм ривожланиши” мавзусидаги ҳисоботида таҳлил этилган 21 та мамлакат ичида биринчи ўринга сазовор бўлди. Жаҳон туризм ташкилоти бу мамлакатларда туризм ривожланишини 10 кўрсаткич бўйича баҳолаган бўлиб, Корея Республикаси ушбу кўрсаткичларнинг 6 таси бўйича юқори баҳо олган. Булар қуйидагилардир:

- ташқи сиёсий ҳамкорлик;

- яшил туризм ривожланишига қўшилган ҳисса;
- ташқи туризм ривожланиши;
- тиббий туризм ривожланиши;
- халқаро конференцияларда қатнашиш.

Ташқи сиёсий ҳамкорлик рейтингида олинган баҳо асосан Корея Миллий туризм ташкилотининг “Visa” картаси билан ҳамкорликда амалга оширган “Кореяда туризмни ривожлантириш” дастурини амалга оширганлиги учун берилган. Шунингдек, мамлакатда экотуризм учун яхши база яратилган, шунингдек, мамлакат ичида туризм ривожлантирилганлиги учун ҳам юқори баҳога сазовор бўлди.

7. Ҳозирги пайтда мамлакатда Туризм ривожланишининг иккинчи режаси амалга оширилиб, унинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

- Корея Республикасини туризм ривожланиши бўйича рақобатбардош, қулай муҳит яратилган мамлакатга айлантириш;
- Туризм мамлакатда ривожланиш ва мавжуд анъаналарни сақлаб қолиш уйғунлигида ривожланиши;
- Мамлакат туризми туристик ресурслар қийматини оширишга қарилган билимларга асосланиши;
- Туризм ривожланиши корейс тилини ўрганишга қизиқиш уйғотиши;
- Корея ярим оролида тинчлик ўрнатилишига хизмат қилиши.

Бу мақсадларга эришиш учун ҳукумат томонидан қуйидаги чора тадбирларнинг амалга оширилиши рағбатлантирилади:

- туризм ресурсларини ривожлантириш;
- туризм маҳсулотлари табақалашувига эришиш;
- туризм инфратузилмасини такомиллаштириш;
- жаҳон даражасида туризм хизматлари учун шароит яратиш;
- туризмни ривожлантириш учун турли тадбирларни, жумладан, жаҳон чемпионатлари, Осиё ўйинлари, каби тадбирларин ўтказиш;

- туризм воситасида ҳаёт сифатина яхшилаш;
- туризм соҳасида халқаро алоқаларни ривожлантириш.

8. Шундай қилиб, қисқача таҳлиллар натижалари Ўзбекистонда туризм соҳасини ислоҳ қилишни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш лозимлигини кўрсатади:

- туризм соҳасида иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш ва хусусийлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ишларни мантиқий якунига етказиш ва хусусий туристик компаниялар фаолиятга учун қулай шарт-шароитларни барпо этиш;

- туризм соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, халқаро туристик ташкилотлар билан алоқаларни йўлга қўйиш, туризм соҳасига хорижий инвестициялар ва халқаро кредитларни жалб қилиш;

- республикада туризм соҳасининг потенциал имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда туристик хизматлар бозорида талаб ва таклиф мувозанатига эришиш;

- хорижий мамлакатларда ўзбек турмахсулотлари тақдимотини доимий тарзда ўтказиш ва халқаро туристик ярмаркаларда иштирок этиш;

- янги меҳмонхоналар, кемпинглар, турбазалар, отеллар, мотеллар қуриш ва мавжудларини таъмирлаш ҳамда замонавийлаштириш ҳисобига туризмнинг халқаро талабларга жавоб бера оладиган моддий-техника базаси ва замонавий халқаро туризм инфратузилмасини барпо этиш ва улардан самарали фойдаланиш;

- сайр-томошалар замонавий индустриясини барпо этиш: табиий парклар, барлар, теннис, гольф сингари спорт ўйинлари учун майдонлар қуриш ва бошқалар;

- аэропортларда, темирйул вокзалларида, автобус станцияларида халқаро терминаллар қуриш, уларни таъмирлаш ва кенгайтириш, шунингдек, барча туристларни қабул қилиш марказларида замонавий коммуникация тизимларини барпо этиш;

- халқ амалий санъати, ҳунармандчилик, устахоналар, анъанавий миллий буюмлар, сувенирлар ва туристлар томонидан талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

- республикамизнинг табиий, иқтисодий ва тарихий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда туризмнинг турли шакллари - экскурсия ва ўрганиш туризми, археологик туризм, рекреацион туризм, саргузашт туризми, экзотик туризм, экологик туризм, конференц-турлар, диний туризм, этник ва ностальгия туризмини ривожлантириш;

- ички ва халқаро туризм бозорида рақобатбардош турмаҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш ва республикамизнинг жаҳон туризм бозорига интеграциялашувини таъминлаш мақсадида маркетинг тадқиқотларини такомиллаштириш;

- меҳмонхоналарнинг номер фондидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

- туризм соҳасини ахборот билан таъминлаш ва туристик бизнесда энг янги технологиялардан фойдаланиш асосида республикамизнинг туристик имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни интернет сайтлари орқали хорижий мамлакатларга тарқатиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари

1. Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғрисидаги қонуни.// Халқ Сўзи газетси, 1999 й. 14 сентябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбектуризм” миллий компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони. // Халқ сўзи газетаси, 1992 й., 28 июль
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг интироқини жадаллаштириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чоратadbирлар тўғрисида” Фармони// // Халқ сўзи газетаси, 1995 й., 3 июнь.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асалари ва маърузалари

4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: “Ўзбекистон”, 1995. – 242- б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997.
6. Каримов И.А. По пути безопасности и стабильности развития. Т., «Ўзбекистон», 1997.
7. Каримов И.А. Избранный нами путь – это путь демократического развития и сотрудничества с прогрессивном миром. Т., «Ўзбекистон», 2003.
8. Каримов И.А. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари», Т., “Ўзбекистон”, 2009. 56 б.
9. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва

Сенатнинг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. / Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. 6-б.

III. Махсус адабиётлар

10. Азар В.И. Введение в экономику иностранного туризма. (Вопросы методологии). - М.: 1975. - 78 с.
11. Александрова А.Ю. Международный туризм.- М: ГРИФ, 2004. – 470 с.
12. Александрова А.Ю. География мировой индустрии туризма. М.: Изд-во Московского университета, 1998. - 89 с.
13. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма. - М: Финансы и статистика, 2000. - 176 с.
14. Гуляев В.Г. Организация туристской деятельности. - М.: НОЛИДЖ, 1996.-312 с.
15. Гуляев В. Г. Контракты, договоры, соглашения и формуляры в туристской деятельности. М: Изд-во «ПРИОР», 1998. - 336 с.
16. Кабушкин Н.И Менеджмент туризма. - М.: БГЭУ, 1999. - 384 с.
17. Таксанов А. Туризм как фактор стабилизации экономики // Бозор, пул кредит, 2008. – 5 6-9 - с.
18. Ташмуратов Т. Международный туризм: Справочник менеджера. -Т: 1995.-128 с.
19. Тухлиев Н., Таксанов А. Экономика большого туризма. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2001. – 208 б.
20. Ким Ок Кьунг Маркетинг туристских гостиничных услуг (теория и практика становления на материалах Республики Узбекистан). автореф. дисс. на соиск. уч. степени к.э.н. Т.: 1999. - 24 с.
21. 황 두 연 “국가별 수출유망 품목” 외교통상부, 2003.
22. 석 범 “한국 경제론 강의” 2001.
23. 김 안 호 “한국 경제의 이해” 도서두남 출판, 2001.
24. 짐 콜린스 “위대한 기업을 위한 경영 전략” 위즈덤 하우스, 2007

25. 리치드 창 “성장의 비밀 열정경영” 위즈덤 하우스, 2005.
26. 김경원 “외환 위기 5년 한국 경제 어떻게 변했나” 삼성경제연구소, 2003.
27. 이근외 “한국 경제의 인프라와 산업별 경쟁력”, 나남출판, 2005.
28. IMF 1년과 한국경제의 변모, 삼성경제연구소, 2009
29. 정윤희 “민족 경제론과 한국 경제”, 창작과평사, 1995.
30. “비전 2010 한국 경제”, 매일경제신문사, 2001.
31. “세계 경제 트렌드” 일본 경제 신문사, 2002.

Интернет сайтлари

1. www.korea.net
2. www.kdi.re.kr
3. www.koreaeconomy.org
4. www.kisrating.com
5. www.kotra.or.kr
6. www.kmj.co.kr
7. www.silkroad21.com
8. www.mineconomu.uz
9. www.lex.uz